

# ОМИНА

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,  
1434, Ражаб, 5-сон



رجب



## Тафсир

Ҳадис

**Фиқҳ**

Ақийда

**Охират**

## Шахсият

Савол-жавоб

**Гулнинг ғунчаси**

Болалар

**Одоб**

## Огоҳлик

Насиҳат

**Иллат**

Тарих

**Саломатлик**

## Ҳикмат

Либос

**Пардоз**

Рўзғор

**Дастурхон**



*“Омина” электрон журнаlining  
хайъатъ аъзолари:*

*Одинахон Муҳаммад Юсуф*

*Мухсар Қасимова*

*Гўзал Дадалмухамедова*

*Ирода Аҳмедова*

*Назokat Қосимова*

*Диларруз Юсупова*

*Гулнода Мўминова*

*Зарнигор Аҳмадалиева*

*Умму Муҳаммад Билол*

*Электрон манзил:*

**muslimalar1@gmail.com**

**НАСЛИ ЧЕКЛАШ ҲАҚИДА  
ШАРИАТ ҲУКМИ**

**17**

**НИМА УЧУН АҚИЙДА ЯГОНА  
ВА МАНГУ БЎЛГАН?**

**19**

**МАЙИТГА ДОД СОЛИБ  
ЙИҒЛАШНИНГ ЁМОНЛИГИ**

**21**

**ЖУВАЙРИЯ БИНТИ ҲОРИС  
РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲО**

**23**

**БОЛАНИ ТАҲОРАТЛИ ҲОЛДА  
ЭМИЗИШНИНГ ФОЙДАСИ**

**25**

**ИНТЕРНЕТ ТЎРИГА ИЛИНГАН  
МУСЛИМАЛАР...**

**31**

**ТОШКЕНТ ВА ФАРҒОНА  
ЛИБОСЛАРИ**

**36**

**АНТИКА БАҲОРИЙ  
ҚУЙМОҚЛАР**

**39**



# БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Нур сура-  
сида марҳамат қилади:

سُورَةٌ أَنْزَلْنَاهَا وَفَرَضْنَاهَا وَأَنْزَلْنَا فِيهَا آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ  
لَّعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ

«(Бу бир) сурадир. Биз уни нозил қилдик.  
Биз уни фарз қилдик. Биз унда очик-ойдин  
оятларни нозил қилдик. Шоядки, эсласангиз».

«Сура» сўзи қўрғон маъносидаги арабча «сур»  
сўздан олинган бўлиб, Қуръон оятларининг маъ-  
лум бошланиш ва тугашга эга бўлган, қўрғон каби  
ажратилган тўпига айтилади.

Аллоҳ таоло ушбу суранинг бошида алоҳида  
таъкидлаб:

«(Бу бир) сурадир. Биз уни нозил қилдик»,  
демоқда.

Яъни «Ушбу сурани Биз Ўзимиз нозил қилдик.  
Биздан ўзга ҳеч ким нозил қилгани йўқ. Шунинг учун  
унга алоҳида эътибор билан қаранглар», демоқда.

«Биз уни фарз қилдик».

Яъни «Ушбу сурадаги ҳукмларга, кўрсатма-  
ларга амал қилишни бандаларга Биз фарз қилдик.  
Бу суннат ҳам эмас, оддий бир тавсия ҳам эмас,  
балки фарздир. Фарз эса банда қилиши мажбурий  
бўлган амрдир».

«Биз унда очик-ойдин оятларни нозил қил-  
дик».

Биз ўша сурада очик-ойдин оятларни нозил  
қилдик, уларнинг ҳаммаси равшан, ҳеч бир ноа-  
ниқлик йўқ.

«Шоядки, эсласангиз».

Тушуниб етсангиз ва тўлиқ амал қилсангиз.

Эътиборни жалб қилувчи ушбу муқаддима-  
дан сўнг асосий мавзуга ўтилади:

الرَّانِيَةُ وَالرَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِئَةً  
جَلْدَةً وَلَا تَأْخُذْكُمْ بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِينِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ  
تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَيْشَهِدَ عَذَابَهُمَا طَائِفَةٌ  
مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ

«Зинокор аёл ва зинокор эркак – икков-  
ларидан ҳар бирини юз даррадан уринг. Агар  
сиз Аллоҳга ва охират кунига иймон келти-  
радиган бўлсангиз, сизларни уларга нисбатан  
Аллоҳнинг динида шафқат тутмасин. Ва улар-  
нинг азобига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўл-  
синлар». (2 оят)

Ушбу оятда зикр қилинган юз дарра уриш жа-  
зоси оила қурмаганлар учун тайин этилгандир.  
Яъни никоҳда бўлмай, эр-хотинлик ҳаётини таниб  
олмаган кишилар зино қилсалар, ушбу оятнинг  
ҳукмига биноан, уларга юз даррадан урилади.

«Зино» шариятда қуйидагича таърифланади:  
«Зино эркак кишининг ўз никоҳида бўлмаган аёл  
билан жинсий алоқа қилишидир». Худди шу маъ-  
нода зино барча жамиятларда ахлоқий жиҳатдан  
разилат, диний жиҳатдан гуноҳ, ижтимоий жиҳат-  
дан номуссизлик саналади. Бу умумий қоидадан  
фақат инсонийлигини йўқотган жамиятларгина  
четга чиққанлар.



Чунки соф инсоний табиат ҳеч қачон зинони яхшилик сифатида қабул қила олмайди. Зеро, инсониятнинг боқий қолиши, камол топиши учун эркак билан аёл ўртасидаги алоқа доимий ва мус таҳкам аҳду вафо, жамият томонидан кафолатланган аҳду паймон асосида бўлиши керак. Шундай бўлмаса, наслу насаб поклиги ҳам, ота-болалик туйғуси ҳам, оила ҳам, жамият ҳам қолмайди. Инсоният таназзулга юз тутати. Зино—поклик ва олиймақомликни йўққа чиқарадиган амалдир. Шунинг учун ҳам ҳамма халқлар, ҳамма динлар, ҳамма жамиятлар зинони қоралаганлар.

Шу билан бирга, айрим халқлар, динлар, қонунлар зино жазога лойиқми, йўқми, деган масалада ихтилоф қилганлар. Инсоний табиати бузилмаган жамиятлар зинони ҳеч иккиланмай, «жазога лойиқ иш» деб баҳолаб келганлар. Табиати бузук, маънавий покликдан кўра шахватга кўпроқ интиладиган жамиятларда эса, зинони иккига бўлишади.

**Биринчиси:** оддий зино, яъни эрсиз аёл билан жинсий алоқада бўлиш. Бу зинога эътиборсиз қарашган. Жуда борса, жарима солиш билан чекланганлар.

**Иккинчиси:** эри бор хотин билан жинсий алоқа қилиш. Бу хилдаги зинони «турмуш ўртоғига хиёнат қилиш» деб аташади. «Хиёнат» қилганларга турли жазолар тайин ҳам этилган. Масалан, қадимги мисрликлар эркакни таёқ билан қаттиқ калтаклашган, хотиннинг бурнини кесишган.

Ҳиндлар зинокор аёлни итларга егизишган, эркакни қиздирилган темир сўрига ётқизиб туриб, атрофидан олов ёқишган.

Рим қонунлари бўйича, қадимда зинокорларнинг мол-мулки мусодара этилган, кейинроқ ўлим жазосига ҳукм қилинган, сўнгра умрбод қамок жазоси билан алмаштирилган ва ҳоказо.

Яҳудийларда зинокор ўлимга ҳукм этилган.

Масихийларда эса «оддий» зинога жазо йўқ. Яъни оилали бўлмаган одам зино қилса, жазо берилмаган. Аммо оилали киши зино қилса, турмуш ўртоғига хиёнат қилгани учун жазоланган. Агар зинокор эр устидан хотин маҳкамага арз қилса, хоҳласалар, уларни ажратиб қўйишган. Аммо эр маҳкамага арз қилиб, ўзига хиёнат қилган хотиндан ажрашиши ва хотини билан зино қилган эркакдан жарима олиши мумкин. Энг қизиғи шуки, зино хусусида маҳкамага арз қилиб, ажрашган эр ҳам, хотин ҳам кейин янги турмуш қуриши мумкин эмас.

Ҳозирги кунда зинога оид барча қонунлар масихийликдаги мана шу қоидага асосланган. Зино қораланса ҳам, у жиноят ҳисобланмайди, жазо белгиланмайди. Чунки мантиқсиз фалсафага биноан, икки тарафнинг розилиги билан бўлган зино жиноят ҳисобланмас экан. Фақат зўрлаш, розилигини олмасдан туриб, куч ишлатиб зино қилишгина жиноят ҳисобланар эмиш.

Бугунги кунда зино кенг тарқалиб, унинг кафолати ҳамма ёқни босиб кетгани ҳам шундан.

Ислонда эса мазкур қонун-қоидаларнинг акси ўлароқ, зино улкан жиноят ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу жиноят оила кўрган кишилар томонидан содир этилса, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига биноан, тошбўрон қилиб ўлдирилади. Бу жазолар турмуш ўртоғига хиёнат қилгани ёки бировнинг номусини поймол этгани учун эмас, балки ҳалол йўл билан қондириши мумкин бўлган шахватини ҳаром йўл билан қондиргани учун берилади.

Агар одамларга шахватларини тартибсиз равишда, хоҳлаган йўл билан қондираверишларига ижозат берилса, тезда инсоният ва унинг маданияти, маънавияти ҳалокатга учрайди. Агар инсон оилавий ҳаётнинг масъулияти, оғирликлари ва машаққатларини бўйнига олмасдан, фақат шахватини қондиришга ҳаракат қиладиган бўлса, ундан ҳеч қачон бола тарбиялашда, оилада ва жамиятда бирор фойдали ишни кутиб бўлмайди. Бундай кишилар бир лаҳзалик шахватини қондириш учун ҳамма нарсани қурбон қилишга тайёрдирлар. Шунинг учун ҳам улар ҳар қандай оғир жазога лойиқ.

Ислонда жиноятлар икки хил – банданинг ҳаққига ёки Худонинг ҳаққига қилинган жиноят, деб эътибор қилинади, лекин зино, ҳам банданинг ҳаққига, ҳам Худонинг ҳаққига жиноят ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятнинг давомида зинокорларга нисбатан муросасиз бўлишга чорлайди.

**«Агар сиз Аллоҳга ва охират кунигаиймон келтирадиган бўлсангиз, сизларни уларга нисбатан Аллоҳнинг динида шафқат тутмасин. Ва уларнинг азобига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар».**

Зинокорларга нисбатан жазони тўлиғича жорий этишга Аллоҳ таоло Ўзига ва қиёмат кунига бўлган иймонни шарт қилиб қўймоқда.







Яъни бу, агар Аллоҳга ва охират кунига иймонингиз бўлса, зинокорларга тайин қилинган жазони жорий этасиз ва уларга шафқат қилмайсиз, жазосиз қўймайсиз, деганидир. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, оятда «сизларни уларга нисбатан Аллоҳнинг динида шафқат тутмасин», дейилмоқда. Мусулмонларга қилинаётган мурожаатда зинокорларга жазо жорий этиш «Аллоҳнинг дини» деб айтилмоқда. Ҳа, Аллоҳнинг дини, баъзи нобакорлар айтганларидек, «ҳар бир кишининг қалбидаги туйғу» эмас. Аксинча, шариат чегарасидан чиққанларни жазога тортиш ҳам, худди намоз, рўза, закот ва ҳаж ибодатлари каби, Аллоҳнинг динидир. Жумладан, зинокорларга шариатда белгиланган жазони ижро этиш – оиласиз зинокорларга юз дарра уриш, оила кўрганларини эса тошбўрон қилиб ўлдириш ҳам Аллоҳнинг динидир. Бу гаплар қандайдир бир банданинг фикри ёки чиқарган фармони эмас, Аллоҳ таолонинг Куръонда айтган очиқ-ойдин амридир.

#### **«...уларнинг азобига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар».**

Чунки бу ҳол бошқаларга ҳам ибрат бўлади. Агар зинокорга дарра урилса, унинг ўзи ҳам, жазолашга гувоҳ бўлганлар ҳам ибрат олиб, бу ишга асло яқин келмайдилар. Агар зинокор тошбўрон қилинса, гувоҳлар ибрат оладилар, бошқаларга айтиб берадилар ва эшитганлар ҳам ибрат оладилар.

Шу билан бирга, зинокорларни жазолаш халқ тафтиши остида бўлади. Йўқса, ҳукмдорлар «Қамокхона ичида дарра урдик ёки тошбўрон қилдик», деб ёлғон ахборот бериб, айбдорларни жазоламай қўйишлари ҳам мумкин.

Ислом душманлари бу ҳукмларни ўта шафқатсиз, инсонни ва унинг хурриятини хорловчи чоралар, деб баҳолайдилар ва тухмат тошларини отадилар. Аввало, уларнинг ўзлари зиного берилган, шаҳватини ҳамма нарсадан устун қўядиган одамлардир. Қолаверса, улар ҳамма нарсани ўз қаричлари билан ўлчайдилар. Исломнинг зиного бўлган муносабатини фақат тошбўрондан иборат, деб тасаввур қилдилар. Лекин Ислом, мусулмон жамиятида зино содир бўлмаслиги учун барча чораларни кўргани, шаҳватни ҳалол йўл билан қондиришнинг ҳамма йўллари осонлаштириб қўйгани, зинокорга нисбатан жазони қандай ҳолатларда жорий қилиши каби кўплаб масалалар ҳақида умуман ҳеч нарса билмайдилар. Ислом душманлари ўз шароитлари ва тошбўронни кўз

олдиларига келтирадилар, холос. Уларнинг орасидан зино қилмаган одамни топиш қийин. Шунинг учун ҳам улар, агар Ислом жорий қилинса, ҳамма тошбўрон остида ўлиб кетиши керак, деб ўйлайдилар.

Лекин аслида шундайми? Йўқ, Ислом инсон хурриятини поймол қилмайди. Аксинча, кадрлайди. Шунингдек, бузғунчиликни «хуррият» деб эмас, ўз номи билан «бузғунчилик» деб атайди. Зино барча халқлар, динлар, тузумларда бузғунчилик сифатида баҳоланиши олдин ҳам айтиб ўтилди. Қадимдан ҳамма бузғунчилик деб келаётган ишни хуррият деб аташ мумкинми?! Инсон шахсига, соғлиғига, ахлоқ-одобига, оиласига, наслига, жамиятига битмас-туганмас зарар келтирадиган нарсани хуррият деб атаб бўладими?!

Ислом зиного қарши мурасасиз чораларни кўриб қўйган. Бунда, энг аввало, инсонларни ёшлиқдан Аллоҳдан кўрқиш, қиёмат кунининг масъулиятини ҳис этиш, ҳалол-пок яшаш руҳида тарбиялайди. Қолаверса, зино ҳаром иш, катта жинойят эканига урғу бериб, ҳар бир одам фарзандини ундан узоқда бўлишга даъват қилади.

Ислом эркак ва аёлларни шаҳватларини қондиришнинг ҳалол йўли бўлган никоҳга қаттиқ тарғиб қилади ва унинг рўбарўсидаги ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлайди, осонлик билан никоҳли бўлиш йўллари тайёрлайди. Ҳаттоки, кул ва чўриларнинг ҳам никоҳсиз юрмасликларига алоҳида эътибор беради.

Шу билан бирга, Ислом зиного олиб борадиган барча йўлларни беркитади. Мисол учун, аёлларни очиқ-сочиқ ҳолда юриб, жамоли ва қомати билан эркакларнинг шаҳватини қўзғатмасликка буюради. Номаҳрам эркак ва аёлларнинг аралаш-куралаш бўлиб юришларини ман қилади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Агар бир номаҳрам эркак ва хотин ёлғиз қолсалар, учинчилари шайтон бўлади», деганлар. Яъни шайтон уларни йўлдан уриб, зиного бошлаши мумкин. Шунингдек, Исломда эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам номаҳрамларга шаҳват назари ила қарашлари ҳаром қилинган. Бинобарин, фаҳш гап-сўзлар, ҳикоялар ва қиссалар ҳам ман этилгандир.

Шунча омилларни босиб ўтиб, яна зиного юришни ўзига эп кўрган инсоннинг инсонлиги қоладими? Унинг боридан йўғи яхши эмасми?! Бундай одамлар инсоният танасига тушган қорасон хасталигига ўхшайди.





Улар аста-секин танани ҳалокатга олиб боришлари аниқ-ку! Бутун танани ҳалок қилгандан кўра, қорасон касали теккан аъзонинг ўзини кесиб ташлаган маъқул эмасми?

Албатта, ана шундай қилган маъқулдир.

Ислом дини келган вақтда жоҳилият жамиятида зино кенг тарқалган эди. Унинг турли кўринишлари бор эди. Ҳаттоки бузуқ аёллар уйларига байроқ тикиб қўйиб, зинокорларни жалб қилишгача бориб етган эдилар. Ислом бошқа иллатлар каби, бу иллатни ҳам аста-секинлик билан муолажа қилди. Аввал зинонинг ёмон амал экани тушунтирилди.

Кейин Нисо сурасидаги «**Аёлларингиздан фахш иш (зино) қилганларига ўзларингиздан тўртта гувоҳ келтиринг. Агар гувоҳлик берсалар, уларни то ўлим етгунича ёки Аллоҳ улар учун бир йўл қилгунича уйларида тутиб туринг**» деган 15-оятга биноан, аёлларни уйга қамаб қўйиш жорий қилинди. Эркакларга нисбатан эса ушбу сурадаги «**Сизлардан ўша(фахш иш) ни қилган икки эркакка озор беринглар**» деган 16-оятга биноан таъзир бериладиган бўлди.

Ниҳоят, олтинчи ҳижрий санада биз ўрганаётган ушбу оятлар нозил бўлиб, ҳамма нарса ўз ўрнига қўйилди. Аввал айтиб ўтилганидек, бу оятда белгиланган жазолар тўлақонли, тўғри никоҳда бўлмаганлар учун қўлланилади. Шариатда бундай жазолар «ҳадд» дейилади.

Оила қурган, никоҳда бўлган эркак ва аёллар араб тилида «муҳсан» деб аталади, улардан зино қилганларни тошбўрон қилиш жазоси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари билан собит бўлган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўпгина ҳадисларида никоҳда бўлиб, оилавий турмуш қурган кишилар томонидан зино собит бўлса, уларни тошбўрон қилишга ҳукм чиқарганлари, ҳукмнинг ижросида ўзлари ҳам иштирок этганлари айтиб ўтилган. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин саҳобалар ва мусулмонларнинг барча авлодлари бу ҳукмга оғишмай амал қилиб келганлар. Бу ҳақдаги ҳадислар ва қиссалар ўрни билан зикр қилинади.

Энди фикҳ олимларимиз шаръий қонун бўйича зинони қандай тушунтиришларини ўрганайлик. Ҳанафий мазҳаби олимлари зинони қуйдагича таърифлайдилар: «Бир эр киши аёл кишини шаръий ақдсиз, эгалик ҳаққисиз ва бу икки нарсанинг шубҳаси бўлмай туриб, олд томонидан яқинлик қилиши зинодир».

Бу таърифга биноан, орқа томондан яқинлашса, зино бўлмайди. У ишни қилган одамга жазо берилади-ю, аммо тошбўронга тугилмайди. Шунингдек, шаръий ақд – никоҳнинг шубҳаси билан, мисол учун, нотўғри никоҳ ила яқинлик қилса ҳам, тошбўрондан бошқа жазога тортилади. «Эгалик ҳуқуқи» эса эски вақтлардаги чўри тутишга тегишли.







Хожанинг ўз чўрисидан хотин ўрнида фойдаланишга ҳаққи бор. Аммо эгалик ҳаққи шубҳаси билан, яъни кимдир ўғлининг чўрисини ўзиники деб ўйлаб, яқинлик қилган бўлса, нотўғри ҳисобланади, лекин шубҳа борлиги учун тошбўрон қилинмайди.

Шаръий қонунга биноан, юз дарра уриш ёки тошбўрон қилиш жазоси кимларга нисбатан қўлланилади? Бир одамнинг бегона аёл билан турганини, ўтирганини ёки ётганини эшитиб, олиб бориб, уларга дарра урилаверадими ёки уларни тошбўрон қилинадими? Йўқ, албатта. Шаръий жиҳатдан зино жинояти собит бўлиши учун бир қанча шартлар бор. Жумладан, жиноят қилганликда айбланаётган шахсда маълум бир сифатлар кўрилиши ҳам керак.

Мусулмон, балоғатга етган, ақлли ва ҳур кишилар зино қилсаларгина, жазога тортиладилар. Мусулмон бўлмаганларнинг исломий жазога тортилиши Ҳанафий мазҳаби уламолари наздида мумкин эмас. Шунингдек, балоғатга етмаганлар ҳам, ақли йўқ, жинни кишилар ҳам, ҳур бўлмаган қул кишилар ҳам жазоланмайдилар.

Булар дарра уриш ҳақидаги шартлар. Тошбўрон қилиш учун эса юқоридаги шартлардан ташқари, зинокор одам тўғри никоҳ ила уйланган ва эр-хотин сифатида ҳаёт кечирган бўлиши керак. Никоҳ ўқитган-у, бирга яшамай, ажрашиб кетган бўлса ҳам, тошбўрон қилинмайди.

Демак, ҳаром йўл билан содир этилган жинсий яқинлик шаръий-қонуний таърифга тўғри келгандагина, зино ҳисобланиб, уни содир этган шахс уйланмаган бўлса, юз дарра уриш, уйланган бўлса, тошбўрон жазосига тортилади. Шу ўринда «Жинсий жиноят қилган-у, аммо таърифга мос келмайдиган бўлса, нима қилинади?» деган савол туғилади.

Бундай ҳолатларда таъзир берилади. Яъни ҳар бир замоннинг мусулмон ҳокими шароитга, мавжуд ҳолатга қараб, таъзирли жазо белгилайди. Агар дарра уриш билан таъзир бермоқчи бўлса, ўн даррадан оз бўлиши керак. Чунки имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўн даррадан кўп урилмайди. Аллоҳнинг ҳадди (белгилаган жазоси) бўлсагина, мустасно», деганлар. Таъзир банда томонидан белгиланадиган жазо бўлгани учун ўн даррадан ошмаслиги керак.

Шунингдек, зинога белгиланган жазо бу жиноятни ихтиёрий равишда содир этган шахсга

нисбатан қўлланилади. Зўрланган аёлга жазо берилмайди. Исломда, умуман, мажбур қилиш орқали содир этилган жиноятлар узрли ҳисобланади.

Имом Термизий Воил ибн Хужрдан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида бир аёл намозга келаётганида, бир эркак йўлини тўсиб, уни зўрлади. Хотин дод солди. Эркак қочиб кетди. Бир гуруҳ муҳожирлар етиб келишган эди, аёл «Анави одам мени ундай қилди, бундай қилди», деб айтиб берди. Эркакни тутиб, келтиришди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлга: «Сен кетавер, Аллоҳ сени мағфират қилди», дедилар. Уни зўрлаган эркакни эса тошбўрон қилишга буюрдилар».

Бошқа жазо чоралари қатори, зинокорларни жазолаш ҳам Ислом давлати томонидан жорий қилинади. Бунинг учун эса зино жинояти юқорида зикр этилган шартларни мужассам қилган шахслар томонидан собит бўлиши керак. Зино эса зинокорнинг иқрор бўлиши ёки тўртта мусулмон одил эркак шахсларнинг гувоҳлик бериши билан собит бўлади. Зинокорнинг иқрори – зино қилганини очиқ-ойдин ибора билан айтмоғидир. Яна у ўзига ҳаром бўлган аёл билан билиб туриб жинсий алоқа қилганини эътироф этиши керак. Унга биров таъсир ўтказмаган, мажбур қилмаган, ақлу ҳуши жойида бўлиши лозим. Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи ва бошқа баъзи уламолар «Зинокорнинг иқрори тўрт марта бўлиши керак», дейдилар. Зинокор олдин иқрор бўлиб туриб, кейин иқроридан қайтса ҳам, унга жазо қўлланилмайди.

Бу масалада энг машҳур ҳодиса Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлиб ўтган Моъиз ибн Молик Асламий ҳодисасидир. Бу ҳодиса барча ҳадис, тафсир ва тарих китобларимизда келтирилган. Ҳодисанинг қисқача тафсилоти қуйидагича:

«Моъиз Асламий Ҳуззол ибн Нуъайм исмли кишининг қарамоғидаги етим йигит эди. Ўша жойдаги бир чўри қиз билан зино қилиб қўйди. Ҳуззол уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бориб, қилган ишини ўзи айтиб беришга буюрди. Шояд, бунинг учун истиғфор айтсалар, деб ўйлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда ўтирган эдилар, Моъиз олдиларига келди ва:



– Эй Аллоҳнинг Расули, таъкидлаб айтаманки, мен зино қилдим, – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан юзларини ўгирдилар ва:

– Шўринг қурисин! Ортинга қайт! Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қил, – дедилар. У эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рўбарўларига ўтиб:

– Таъкидлаб айтаманки, мен зино қилдим, – деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан яна юзларини ўгириб олдилар. У эса яна рўбарўларига ўтиб: – Эй Аллоҳнинг Расули, мени покланг! Мен зино қилдим, – деди. Унга Абу Бакр Сиддик:

– Агар тўртинчи бор иқроор бўлсанг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сени албатта тошбўрон қиладилар, – деди. Аммо у ўз гапида туриб олди:

– Эй Аллоҳнинг Расули, шубҳасиз, мен зино қилдим, мени поклаб қўйинг, – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

– Эҳтимол, ўпгандирсан, қучоқлагандирсан ёки қарагандирсан? – дедилар. У:

– Йўқ, – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– У билан бирга ётдингми? – деб сўрадилар. У:

– Ҳа, – деди. Ул зот:

– Унга яқинлик қилдингми? – дедилар. У:

– Ҳа, – деб жавоб қайтарди. Ул зот:

– Уни ўзингга жамладингми? – деб сўрадилар.

У яна:

– Ҳа, – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фақат жинсий яқинликка ишлатиладиган иборани қўладилар. Бошқа ҳеч ерда, ҳеч қачон бу иборани ишлатмаган эдилар. Чунки бировнинг ўлимига ҳукм чиқариш осон эмас эди. У эса ўша саволга ҳам:

– Ҳа, – деб жавоб берди. Ул зот:

– Сурма чўпи сурмадонга кирганига ўхшаб-а? – дедилар. У:

– Ҳа, – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан:

– Зинони биласанми ўзинг? – деб сўрадилар.

У:

– Ҳа, биламан, мен унга ҳаром алоқа қилдим, эркак ўз хотини билан қилса, ҳалол бўладиган алоқани қилдим, – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Никоҳда бўлганмисан? – дедилар.

У:

– Ҳа, – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофларидаги саҳобалардан:

– Бу ўзи жинни эмасми? – деб сўрадилар. Улар унинг мажнун эмаслиги ҳақида хабар бердилар. Сўнгра:

– Ароқ ичганинг йўқми? – деб сўрадилар. Шунда бир одам туриб бориб, унинг оғзини ҳидлаб кўрди. Ундан ароқ ҳиди ҳам келмади. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳуззолга:

– Агар буни беркитганингда, ўзингга яхши бўлар эди, – дедилар. Сўнгра тошбўрон қилишга амр этдилар. Мадинанинг ташқарисида тошбўрон қилинди. У тошбўроннинг аламини тотганда бақира бошлади:

– Эй қавм, мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қайтариб олиб боринглар! Мени қавмим ҳалок қилди, алдашди, мени Расулуллоҳ қатл қилмасликларини айтишган эди! – деди. Лекин одамлар уни то ўлгунича тошбўрон қилдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга унинг тошбўроннинг алаmidан додлаб, ўлимдан қочгани зикр қилинганида, у зот:

– Қўйиб юборсангиз, Аллоҳга тавба қилса, тавбаси қабул бўлармиди, – дедилар».

Иккинчи қисса «Ғомидийя қиссаси» номи билан машҳур бўлган қиссадир.

«Ғомидийя қабиласидан бир аёл келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

– Эй Аллоҳнинг Расули, мени покланг! – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

– Шўринг қурисин! Ортинга қайт! Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қил! – дедилар.

У:

– Моъиз ибн Моликни қайтарганга ўхшаб, мени ҳам қайтармоқчимисиз?! Зинодан ҳомиладор бўлган аёлни-я? – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Сен-а?! – дедилар.

У:

– Ҳа! – деди. У зинодан ҳомиладор бўлгани учун Моъизга ўхшатиб узоқ саволга тутмадилар-да:

– Тукқунингча бориб тур, – дедилар. Аёл туққанидан сўнг, боласини кўтариб, яна келди. Яна ўзининг тошбўрон этилишини талаб қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

– Боравер, болангни эмиз, сутдан ажратгунингча юриб тур, – дедилар. Боласини сутдан ажратгандан сўнг яна келди. Боласининг қўлига бир бурда нон бериб қўйган эди.

У:







– Эй Аллоҳнинг Расули, мана, уни сутдан ажратдим. Ўзи овқатланадиган бўлди. Энди мени покланг! – деди. Ул зот болани бошқа бир одамга топширдилар ва аёлни тошбўрон қилишга амр этдилар. Кўкрагигача чуқурга кўмиб, сўнгра тошбўрон қилинди».

Бу ходисалар кўрсатиб турибдики, ҳақиқий мусулмон киши баъзида ожизлик қилиб, гуноҳ содир этса ҳам, ўзига келганда, гуноҳини ювиш учун ҳар нарсага, ҳатто ўлимга ҳам рози бўлади. Чунки жиноятчига шаръий жазо берилса, гуноҳи ювилади. Ўша ғомидийялик аёл тошбўрон қилинаётганида, кони сачраб, кимгадир тегади ва ўша одам аёлни сўқади. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша одамга:

«Уни сўкма, у бир тавба қилдики, агар унинг тавбасини ер юзидаги барча одамларга бўлиб берса, етади», дедилар.

Имом Абу Довуд Бурайда Асламий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда:

«Биз, Расулulloҳнинг саҳобалари «Агар ғомидийялик аёл билан Моъиз ибн Молик эътирофларидан қайтганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ортидан куткиламас эдилар», деб юрардик», дейилган.

Дарҳақиқат, шунга ўхшаш ходисалар ҳам бўлган.

Имом Муслим, имом Абу Довуд, имом Термизий ва имом Насайлар Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Бир одам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

– Эй Аллоҳнинг Расули, мен шаҳарнинг четида бир аёл билан бирга бўлдим, у билан жинсий алоқа қилмадим-у, бошқасини қилдим. Мана, мен турибман, нима қилсангиз, майли, – деди. Умар розияллоҳу анҳу унга:

– Аллоҳ сени беркитибди, сен ҳам ўзингни беркитганинда эди, – деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у одамга ҳеч нарса демасдилар. У ўрнидан туриб, жўнаб кетди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ортидан бир кишини юбордилар. У бориб, ҳалиги одамни чақирди-да, унга **«Куннинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагида намозни тўкис адо қил! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказди. Бу эса эсловчиларга эслатмадир»** оятини ўқиб берди. У ердаги одамлардан бири:

«Эй Аллоҳнинг Набийси, бу унинг ўзига хосми?» деди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Йўқ! Барча одамларга»**, дедилар».

Имом Бухорий Анас розияллоху анхудан қилган ривоятда қуйидагилар зикр этилади:

«Бир одам келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга (зино жазосига) лойиқ иш қилдим. Уни менга жорий қилинг», – деди. Ул зот ундан у нима эканини сўрамадилар. Намоз вақти бўлди. Ҳалиги одам Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам намозни ўқиб бўлганларидан сўнг, ҳалиги одам ўрнидан туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга лойиқ иш қилдим, менга Аллоҳнинг ҳукмини жорий этинг», деди. Ул зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Биз билан намоз ўқидингми?» дедилар. У:

«Ҳа», деди. Ул зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Батаҳқиқ, Аллоҳ сенинг гуноҳингни мағфират қилди», дедилар».

Ушбу ҳадисларда зинокор ўзининг жиноятига иқрор бўлганда, ундан «Шеригинг ким эди?» деб сўралмаганига эътибор қилиш керак. Хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, зино қилганини ўзи эътироф этиб келганида, сўраб-суриштириб, унинг ўзига жазо берилмоқда, аммо «Зинони ким билан қилдинг?» деб сўралгани йўқ. Бу ҳол зинокорни излаб топишга, текширишга амр қилинмаганини кўрсатади.

Агар мабодо, зинокор шеригини айтса ҳам, уни дарҳол олиб келиб, жазога тортавермадилар, балки ундан ҳам сўраб-суриштирилади. Агар иқрор бўлса, жазога тортилади. Иқрор бўлмаса, қўйиб юборилади.

Имом Аҳмад ва имом Абу Довуд Саҳл ибн Саъд розияллоху анхудан ривоят қилган ҳодиса шу масалани акс эттирган:

«Бир одам Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, зино қилганини ва аёлнинг номини айтди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам одам юбориб, аёлни чақиртириб келдилар ва ундан эркак айтган иш ҳақида сўрадилар. Аёл инкор қилди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам эркакни жазога тортдилар ва аёлни қўйиб юбордилар».

Зино собит бўлишининг иккинчи йўли тўртта одил, ҳур мусулмон эркак кишининг бир жойда, бир хилда гувоҳлик бериши билан бўлади.

Гувоҳлар гувоҳлик берганларидан сўнг, уларнинг шахслари текшириб кўрилади. Агар улар одил бўлмасалар, яъни шариат ишларида камчи-

ликка йўл қўйган, ёлғон гапирган, аввалги берган гувоҳлиги ёлғон чиққан бўлса, гувоҳликлари қабул қилинмайди.

Шунингдек, гувоҳлар эркак билан аёлнинг ўша ишни қилиб турганларини бирдек аниқ кўрган бўлишлари керак. Зино бўлган жой, вақт ҳақидаги гаплари ҳам бир хил чиқиши лозим. Бўлмаса, зино собит бўлмайди.

Шу билан бирга, эри йўқ аёл ҳомиладор бўлиб қолса ҳам, зино қилган деб ҳисобланмайди. Унга дарра урилмайди, тошбўрон ҳам қилинмайди. Модомики, ўзи иқрор бўлмаса ёки гувоҳлик ила исбот қилинмаса, уни зинокор дейишга изн йўқ. Гарчи эрсиз аёлнинг ҳомиладор бўлишининг ўзи кучли далил бўлса ҳам, лекин мингдан бир эҳтимол билан унинг бачадонига нутфа зинодан эмас, бошқа сабабдан тушиб қолганлиги гумони устун қўйилади.

Бу хил масалаларда шариатнинг умумий қоидалари шундай.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳаддларни (шаръий жазоларни) шубҳали бўлса, қайтаринглар», деганлар.

Имом Термизий ривоят қилган бошқа бир ҳадисда эса: «Иложи борича мусулмонлардан ҳаддларни қайтаринглар. Бирор йўли топилса, қўйиб юборинглар. Албатта, имом(ҳоким)нинг адашиб афв қилиши адашиб жазо беришидан кўра яхшироқдир», деганлар.

Ўтган ҳодисаларни ўрганиш жараёнида зинокорни тошбўрон қилиш ҳақида тасаввур ҳосил бўлди. Кўпчилик бўлиб, эркак кишини ўртача тошлар билан тошбўрон қиладилар, аёл кишини эса аввал кўкрагигача чуқурга кўмиб туриб, сўнгра тошбўрон қиладилар.

Энди дарра уришга келсак, аввало, дарра теридан ясалган бўлиши керак. Қолаверса, ўта қаттиқ ҳам, ўта юмшоқ ҳам бўлмаслиги лозим. Урганда алам-оғриқ берсин-у, аммо урилаётган шахснинг аъзосига зарар етказмасин. Зотан, дарра уришдан мақсад уни жазолашдир, ўлдириш ёки майиб қилиш эмас. Шунингдек, дарра тугилган ёки учлари ажратилиб, аламини зиёда қиладиган бўлмаслиги керак. Урувчи одам ўртача зарба бериши лозим. Жуда қаттиқ ҳам эмас, жуда секин ҳам эмас. Шунингдек, бир жойга такрор-такрор урмайди, балки тарқатиб, ёйиб уради. Юзга, аврат жойга ва бошга уриш мумкин эмас.







Эркак жиноятчини тик турғизиб, аёлни ўтирғизиб, дарра урилади. Эркак кишининг қалин кийимлари ечилади. Аёл кишининг қалин кийимлари ечилмайди. Дарра жуда иссиқ ёки жуда совуқ пайтда урилмайди. Шунингдек, жиноятчи боғланиб ёки ётқизиб қўйилмайди. Баъзи фуқаҳолар юз даррани йигирма даррадан бўлиб-бўлиб, беш кунда уриш ҳам жоизлигини айтганлар. Ҳазрати Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи: «Эллик даррадан икки кун урса, етарли», деганлар.

Дарра уриш жоҳил, қўпол кишиларга топширилмайди. Балки аҳли илм, шариат ҳукмларини яхши биладиган одамларга топширилади.

Агар жиноятчи бемор бўлса, тuzалгунича кутиб турилади. Агар у тuzалмайдиган касал бўлса ёки ўта қари одам бўлса, юзта гавронни бир боғ қилиб, бир марта урилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида шундай қилинган. Ҳомиладор аёл боласини тукқунича, эмизикли аёл эса боласини кўкракдан ажратгунича жазолаш ортга сурилишини юқорида кўриб ўтдик.

Агар зино гувоҳлик бериш билан исботланиб, жиноятчи тошбўрон қилинадиган бўлса, биринчи тошни гувоҳлар отадилар. Гувоҳсиз, фақат иқроп билан собит бўлган бўлса, биринчи тошни ҳукм чиқарган қози отади.

Шариат бўйича, жиноятчиларни жазолаш шундай. Энди шариат душманлари жиноятчиларни қандай жазолаётдилар, ўзлари биладилар.

Тошбўрон қилиб ўлдирилган зинокор барча мусулмонлар каби ювилиб, қафанланиб, жанозаси ўқилиб, мусулмонлар қабристонида кўмилади. Юқорида зикр этилган Моъиз ибн Молик ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши гап айтганлар, жанозасини ўқиганлар ва: «Моъиз ибн Молик учун истиғфор айтинлар, у бир умматга тақсимланса, етадиган тавба қилди», деганлар.

Ўзининг махрамлари билан зино қилган одамни ҳукумат қаттиқ таъқиб қилади. Имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи: «Бундай кишиларга зинокорнинг жазоси берилади. Агар махрамини никоҳлаб олган бўлса, аламли азоб-ла азобланади», деганлар.

Кези келганда, зинодан бошқа жинсий жиноятлар ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз айттайлик.

Эркак киши билан эркак кишининг жинсий алоқада бўлиши «ливота» дейилади. Бу иш энг ёмон гуноҳлардан экани Қуръони Каримда бир неча бор такрорланган.

Лут алайҳиссалом пайғамбар бўлиб борган қавм ушбу амалга ўч бўлган, Аллоҳ таоло уларни ҳалок қилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу жиноятга қаттиқ қарши турганлар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу амални қилган одам ким бўлишидан қатъи назар, уйланганми-уйланмаганми, иккисини ҳам ўлдиришга буюрганлар. Саҳобаи киромлар эса бу жинояткорларни қандай ўлдириш тўғрисида турли ижтиҳодлар қилганлар. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу уларни қилич билан чопиб ўлдириб, жасадини куйдириб юборишни айтганлар. Ҳазрати Умар ва ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳумо эса: «Эски бинонинг тагига ётқизиб туриб, устидан деворни йиқитиб ўлдириш керак», деганлар. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Юртидаги энг баланд жойдан бошини ерга қилиб ташлаб, кейин тошбўронга тутиш керак», деганлар. Мазҳаб имомлари ҳам шунга ўхшаш фикрлар ила ижтиҳод қилганлар. Имом Абу Ҳанифа: «Ҳар замоннинг ҳокими шароитга қараб, бошқалар ҳам ибрат оладиган қилиб жазолайди», деганлар. Баччабозликни одат қилган одамни ўлдириш шартлигини ҳам алоҳида таъкидлайдилар.

Яна айтиб қўйиш лозим бўлган гаплардан бири шуки, эр киши ўз хотинининг орқасига яқинлик қилиши ҳам ҳаромдир.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким аёл кишига ортидан келса, лаънатидир», – деганлар.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда эса Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳайзли аёлга ёки аёл кишининг орқасидан яқинлик қилган ва фолбинга бориб, унга ишонган одам Муҳаммадга нозил этилган нарсага куфр келтирган бўлади», – деганлар.


Шунингдек, ҳайвонларга яқинлик қилган одамлар ҳам катта гуноҳкор ва жиноятчи ҳисобланадилар. Баъзи уламолар уларни ҳам зинокор ҳисоблайдилар ва зинонинг жазосига тортилиши зарурлигини таъкидлайдилар.

Аmmo Ҳанафий мазҳаби уламолари «Бу жиноятни қилган одамга ҳоким, қози ёки бошқа масъул кишилар ўзлари билиб, таъзир берадилар», деганлар.

*Нур сураси, 1-2-оятлар.  
«Тафсири Ҳилол»дан.*



## ФОТИХА, БАҚАРА ВА ОЛИ ИМРОННИНГ ФАЗЛИ



«Масжиддан чиқишингдан олдин Қуръондаги энг улуғ сура-ни ўргатиб қўяйми?» дедилар.

У зот қўлимдан ушлаб олиб, кетавердилар. Масжиддан чиқай деб қолганимизда:

«Эй Аллоҳнинг Расули, «Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатиб қўяман», деган эдингиз?» дедим.

«Алҳамду лиллаҳи Роббил алабийн». У етти такрорланадигандир. У менга берилган Қуръони азиймдир», дедилар.

*Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

*Термизийнинг лафзида:*

«Менинг жоним тасарруфида бўлган Зот билан қасамки, Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Забурда ҳам, Фурқонда (Қуръонда) ҳам бунга ўхшаш туширилмаган. У етти такрорланадигандир. У менга берилган Қуръони азиймдир», дедилар», дейилган.

**Шарх:** Ушбу ҳадиси шарифдаги «У етти такрорланадигандир» деган жумланинг маъноси аввал ҳам айтиб ўтилган эди.

Бу жумладан мурод Фотиҳа сурасидир. Чунки бу сураи карима етти оятдан иборат бўлиб, жуда кўп такрорланади. Намознинг ҳар ракъъатида қайта-қайта ўқилади.

Фотиҳа сурасининг фазли шунчалар улуғ экан. Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чақирганларида жавоб бериш кераклиги.
2. Раҳбар чақирган вақтда жавоб бера олмаган одам кейин узрини айтиши кераклиги.
3. Қуръонда энг улуғ сура борлиги.
4. Раҳбар бирор гап айтган бўлса, кейин ёдига солиш мумкинлиги.
5. «Алҳамду лиллаҳи Роббил алабийн» деб бошланадиган Фотиҳа сураси етти такрорланадиган сура эканлиги.
6. Фотиҳа сураси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган Қуръони Азийм эканлиги.
7. Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Забурда ҳам, Қуръонда ҳам Фотиҳага ўхшаш сура туширилмаганлиги.

— عَنْ أَبِي سَعِيدِ بْنِ الْمَعْلَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ أُصَلِّي فَدَعَانِي النَّبِيُّ ﷺ فَلَمْ أُجِبْهُ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي كُنْتُ أُصَلِّي، قَالَ: أَلَمْ يَقُلِ اللَّهُ ﴿أَسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ﴾ ثُمَّ قَالَ: أَلَا أَعْلَمُكَ أَعْظَمَ سُورَةٍ فِي الْقُرْآنِ قَبْلَ أَنْ تَخْرُجَ مِنَ الْمَسْجِدِ؟ فَأَخَذَ بِيَدِي فَلَمَّا أَرَدْنَا الْخُرُوجَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّكَ قُلْتَ لِأَعْلَمَنَّكَ أَعْظَمَ سُورَةٍ فِي الْقُرْآنِ، قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ هِيَ السَّبْعُ الْمَثَانِي وَالْقُرْآنُ الْعَظِيمُ الَّذِي أُوتِيَتْهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَزَادَ: وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ مَا أَنْزَلْتُ فِي التَّوْرَةِ وَلَا فِي الْإِنْجِيلِ وَلَا فِي الزَّبُورِ وَلَا فِي الْفُرْقَانِ مِثْلَهَا، وَإِنَّهَا سَبْعٌ مِنَ الْمَثَانِي وَالْقُرْآنُ الْعَظِيمُ الَّذِي أُعْطِيَتْهُ.

3303. Абу Саъид Муъалла розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Намоз ўқиётган эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чақириб қолдилар. Мен жавоб бермадим. Кейин бориб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, намоз ўқиётган эдим», дедим.

«Аллоҳ «Аллоҳ ва Унинг Расули сизларни даъват қилганда ижобат қилинглари», демаганми?» дедилар. Сўнг:







عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ أُمَّ الْقُرْآنِ وَأُمَّ الْكِتَابِ وَالسَّبْعِ الْمَثَانِي. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَصَحَّحَهُ.

3304. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Алҳамду лиллаҳи Роббил алабийн» Қуръоннинг онасидир, Китобнинг онасидир ва етти такрорланувчидир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

**Шарҳ:** Фотиҳа сураси оятлари оз бўлишига қарамай, улкан маъноларни ўз ичига олгандир. Шунинг учун ҳам у «Уммул Қуръон» – «Қуръоннинг онаси» деб номланади.

Унда Аллоҳ таолога мактов, Унинг сифатлари, У Зотнинг қиёмат куни эгаси эканлиги, ибодат, ихлос, дуо, ёлвориш, яхши умматларнинг зикри ва ёмон йўлдан юрганларнинг оқибати нима бўлганлиги зикр қилинади.

Шунинг учун ҳам намознинг ҳар бир ракъатида Фотиҳа сурасини ўқишга буюрилган, уни такрор-такрор ўқиб турилади. Ўқиганда маъносини тадаббур – мулоҳаза қилиб ўқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

«Китобнинг онаси» дегани ҳам «Қуръоннинг онаси» деган маънода айтилган. Бу маънони таъкидлаш учун икки хил ибора ила такрорланган.

Фотиҳа сураси етти оятдан иборат бўлиб, жуда кўп такрорланади. Шунинг учун «етти такрорланувчи» номини олган.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: بَيْنَمَا جَبْرِيلُ قَاعِدٌ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَمِعَ نَقِيضًا مِنْ فَوْقِهِ، فَرَفَعَ رَأْسَهُ فَقَالَ: هَذَا بَابٌ مِنَ السَّمَاءِ فُتِحَ الْيَوْمَ لَمْ يَفْتَحْ قَطُّ إِلَّا الْيَوْمَ، فَنَزَلَ مِنْهُ مَلَكٌ فَقَالَ: هَذَا مَلَكٌ نَزَلَ إِلَى الْأَرْضِ لَمْ يَنْزَلْ قَطُّ إِلَّا الْيَوْمَ، فَسَلَّمَ وَقَالَ: أَبَشِرْ بِنُورَيْنِ أُوتِيَتْهُمَا لَمْ يُؤْتِيَهُمَا نَبِيٌّ قَبْلَكَ؛ فَاتِحَةُ الْكِتَابِ وَخَوَاتِيمُ سُورَةِ الْبَقَرَةِ، لَنْ تَقْرَأَ بِحَرْفٍ مِنْهُمَا إِلَّا أُعْطِيَتْهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

3305. Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Жаброил билан ўтирган эдилар. Юқоридан бир овоз эшитилди. Жаброил осмонга бурилиб қаради-да:

«Бу осмоннинг эшикларидан бири, ҳеч очилмаган эди, бугун очилди. Ундан бир фаришта тушди. У бугундан бошқа ҳеч тушмаган эди. У салом берди ва:

«Суюнчи, сендан аввалги Пайғамбарларга берилмаган икки нур сенга берилди, Фотиҳа сураси ва Бақара сурасининг охири. Улардан ўқиган ҳар бир ҳарфингга, албатта, (савоб ва жавоб) бериласан», деди».

Имом Муслим ривоят қилган.

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифдан Фотиҳа ва Бақара сураларининг улуғ фазллари билан бирга, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига Жаброил алайҳиссаломдан бошқа фаришта ҳам келиб турганини билиб олдик.

Осмоннинг ҳеч очилмаган эшиги очилиб, ундан осмондан ҳеч тушмаган фаришта тушиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга Фотиҳа ва Бақара сураларининг фазли ҳақида хабар бериши бу сураларнинг улуғлигини, алоҳида илоҳий эҳтимомга сазовор бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадиси шарифда қуйидагилар айтилади:

«Убай ибн Каъб Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларида Фотиҳа сурасини ўқиди. Шунда у зот: «Менинг жоним тасарруфида бўлган Зот билан қасамки, Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Забурда ҳам, Фурқонда (Қуръонда) ҳам бунга ўхшаши туширилмаган», дедилар».

Имом Ибн Ҳиббон Саҳл ибн Саъд розияллоху анхудан ривоят қиладилар.

«Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ҳар нарсанинг саноми – кўзга кўринган жойи бўлади. Бақара сураси Қуръоннинг саномидир. Ким уни ўз уйида кечаси ўқиса, уч кеча шайтон кирмайди. Ким уни кундузи ўқиса, уч кун шайтон кирмайди», деганлар».



عَنْ أَبِي أَمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: اقْرَأُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لِأَصْحَابِهِ، اقْرَأُوا الزُّهْرَ وَابْنِ الْبَقْرَةِ وَسُورَةَ آلِ عِمْرَانَ، فَإِنَّهُمَا تَأْتِيَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَأَنَّهُمَا غَمَامَتَانِ أَوْ كَأَنَّهُمَا غَيَاتَانِ أَوْ كَأَنَّهُمَا فِرْقَانِ مِنْ طَيْرٍ صَوَافٍ تُحَاجَّانِ عَنْ أَصْحَابِهِمَا، اقْرَأُوا سُورَةَ الْبَقْرَةِ فَإِنَّ أَخْذَهَا بَرَكَةٌ، وَتَرْكُهَا حَسْرَةٌ، وَلَا تَسْتَطِيعُهَا الْبَطْلَةُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَفِي رِوَايَةٍ: يُوْتَى بِالْقُرْآنِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَأَهْلُهُ الَّذِينَ كَانُوا يَعْمَلُونَ بِهِ تَقْدُمُهُ سُورَةُ الْبَقْرَةِ وَآلِ عِمْرَانَ، وَضُرِبَ لَهُمَا رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم ثَلَاثَةَ أَمْثَالِ مَا نَسِيْتُهُنَّ بَعْدُ؛ قَالَ: كَأَنَّهُمَا غَمَامَتَانِ إِلَى آخِرِهِ.

3306. Абу Умома ал-Боҳилий розияллоху анхундан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қуръонни қироат қилинг. У қиёмат куни ўз асҳобларига шафоатчи бўлиб келади.

Икки нур сочувчини: Бақара ва Оли Имрон сураларини қироат қилинг. Икковлари қиёмат куни худди икки булутга ёки икки соябонга, ёхуд икки қуш галасига ўхшаб келади. Икковлари ўз асҳоблари ҳақида тортишурлар.

Бақара сурасини қироат қилинглар. Албатта, уни олиш барақадир. Уни тарк қилиш ҳасратдир. Баттоллар унга қодир бўлмаслар», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Қиёмат куни Қуръон ва унга амал қилган аҳллари келтирилганида, Бақара ва Оли Имрон суралари бош бўлиб келадилар. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам икковларига учта мисол келтирдилар. Уларни ҳануз унутганим йўқ. Икковлари қиёмат куни худди икки булутга ёки...» дейилган.

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифда Қуръони Карим қироатига, хусусан, Бақара ва Оли Имрон суралари қироатига қаттиқ тарғиб бордир.

Шунингдек, бу ҳадиси шарифда Қуръони Каримнинг ва Бақара ҳамда Оли Имрон сураларининг фазллари қанчалик улуғ эканлиги баён қилинган.

«Қуръонни қироат қилинг. У қиёмат куни ўз асҳобларига шафоатчи бўлиб келади».

Қиёмат куни шафоатчиси бўлиши ҳар қандай банда учун катта бахтдир.

Одамлар ўша дахшатли кунда шафоатчи топиш учун турли ишларни қиладилар ва чоралар ахтарадилар.

Ушбу ҳадиси шариф эса қиёмат куни энг ишончли шафоатчи топишнинг энг осон йўлига далолат қилмоқда. Бу Қуръони Каримни қироат қилмоқдир. Бас, ким қиёмат куни шафоатчиси бўлишини хоҳласа, Қуръони Каримни кўпроқ қироат қилсин.

«Икки нур сочувчини: Бақара ва Оли Имрон сураларини қироат қилинг. Икковлари қиёмат куни худди икки булутга ёки икки соябонга, ёхуд икки қуш галасига ўхшаб келади».

Қиёмат саҳросида, унинг жазирама иссиғида куйиб, жизганак бўлиб турган ҳар бир одам боши узра оз бўлса ҳам соя бўлишини жуда истайди. Бу бахтга эга бўлиш учун инсонлар нималар қилмайдилар.

Аммо бу ҳадиси шариф ўша оғир кунда энг яхши соябонга эга бўлишнинг энг осон йўлини кўрсатмоқда. Бу осон йўл Бақара ва Оли Имрон сураларини қироат қилмоқдир. Ким бу икки сураи каримани бу дунёда ўқиб юрган бўлса, қиёмат куни улар унинг бошида соябон бўлурлар.

Аммо Бақара ва Оли Имрон сураларининг ўз ўқувчиларига охиратда берадиган фойдалари бу билан чекланиб қолмайди.

«Икковлари ўз асҳоблари ҳақида тортишурлар».

Ҳа, Бақара ва Оли Имрон суралари қиёмат куни ўзларини ўқиган одамларга яхши мартабалар берилишини сўраб, тортишадилар. Бу қандок ҳам улуғ иш!

Бу дунёда барақа талабида бўлмаган ким бор?

Бу дунёда ҳасратдан қочмаган ким бор?

Бу ҳадиси шариф барақага эга бўлишнинг ва ҳасратдан узокда бўлишнинг энг осон йўлини кўрсатиб бермоқда.

Бақара сурасини қироат қилинглар. Албатта, уни олиш барақадир. Уни тарк қилиш ҳасратдир».

Бу ишни қилиш унча қийин эмас. Инсон дангаса бўлмаса бас. Чунки ҳадиси шарифда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам:

«Баттоллар унга қодир бўлмаслар», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифнинг бошқа бир ривоятида:

«Қиёмат куни Қуръон ва унга амал қилган аҳллари келтирилганида Бақара ва Оли Имрон суралари бош бўлиб келадилар», дейилган.

Бундан Бақара ва Оли Имрон суралари бошқа суралардан олдин туриши келиб чиқади.





رَجَب

Ушбу хадисдан олинадиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни қироат қилишга қаттиқ тарғиб қилганликлари.
2. Қуръони Карим қиёмат куни ўз асҳобларига шафоатчи бўлиб келиши.
3. Бақара ва Оли Имрон сураларининг «икки нур сочувчи» деган сифати борлиги.
4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бақара ва Оли Имрон сураларни қироат қилишга қаттиқ тарғиб қилганлари.
5. Бақара ва Оли Имрон суралари қиёмат куни худди икки булутга ёки икки соябонга, ёхуд икки қуш галасига ўхшаб келиши.
6. Бақара ва Оли Имрон суралари ўз асҳоблари ҳақида тортишишлари.
7. Бақара сурасини ёд олиш барака эканлиги.
8. Бақара сурасини тарқ қилиш ҳасрат эканлиги.
9. Баттоллар Бақара сурасини ёдлашга қодир бўлмаслиги.
10. Қиёмат куни Қуръон ва унга амал қилган аҳллари келтирилганда Бақара ва Оли Имрон суралари бош бўлиб келиши.

۳۳۰۷ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: بَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بَعْثًا وَهُمْ ذُو عَدَدٍ فَاسْتَقْرَأَهُمْ، فَقَرَأَ كُلُّ رَجُلٍ مِّنْهُمْ مَا مَعَهُ مِنَ الْقُرْآنِ، فَاتَى عَلَى رَجُلٍ مِّنْ أَحَدِهِمْ سِنًا، فَقَالَ: مَا مَعَكَ يَا فَلَانُ؟ قَالَ: مَعِيَ كَذَا وَكَذَا وَسُورَةُ الْبَقَرَةِ، قَالَ: أَمَعَكَ سُورَةُ الْبَقَرَةِ؟ فَقَالَ: نَعَمْ، قَالَ: اذْهَبِ فَإِنَّتَ أَمِيرُهُمْ، فَقَالَ رَجُلٌ مِّنْ أَشْرَافِهِمْ: وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا مَنَعَنِي أَنْ أَتَعَلَّمَ سُورَةَ الْبَقَرَةِ إِلَّا خَشْيَةَ آلَا أَقْوَمٍ بِهَا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: تَعَلَّمُوا الْقُرْآنَ وَاقْرَأُوهُ وَأَقْرَأُوا، فَإِنَّ مَثَلَ الْقُرْآنِ لِمَنْ تَعَلَّمَهُ فَقَرَأَهُ وَقَامَ بِهِ كَمَثَلِ جِرَابٍ مَّحْشُوٍّ مِسْكًَا يَفُوحُ بِرِيحِهِ كُلِّ مَكَانٍ، وَمَثَلُ مَنْ تَعَلَّمَهُ فَيَرْفُدُ وَهُوَ فِي جَوْفِهِ كَمَثَلِ جِرَابٍ وَكَيْ عَلَى مِسْكِ.

3307. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир жойга кўп сонли кишиларни юборишдан аввал уларга Қуръон ўқитиб кўрдилар. Улардан ҳар бири Қуръонни қанча билса, шунча ўқиди. У зот уларнинг ичидаги энг ёш йигитнинг олдида келиб:

«Эй Фалончи, сен Қуръондан қанча биласан?» дедилар.

«Фалон, фалон сураларни ва Бақара сурасини биламан», деди.

«Бақара сурасини биласанми?» дедилар.

«Ҳа», деди.

«Боравер, сен уларга амирсан», дедилар.

Шунда уларнинг ашрофларидан бўлган бир киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, мени Бақара сурасини ўрганишдан унга амал қила олмаслигимдан кўрқиман ман қилди, холос», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қуръонни ўрганишлар. Уни қироат қилишлар ва қироат қилдиришлар. Албатта, Қуръон уни ўрганган, қироат қилган ва унга амал қилганлар учун худди миск тўлдирилган қопга ўхшайди. Ҳамма жойда ҳиди анқиб туради. Уни ўрганиб, ичига олиб ётган одам эса ичига миск солиб, оғзи боғлаб қўйилган қопга ўхшайди», дедилар».

**Шарҳ:** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари ичидан бирор ишга раҳбар ихтиёр қилмоқчи бўлсалар, уларнинг Қуръонни кўпроқ ёд олгани ва билганини танлар эдилар.

У зот кишиларни бирор жойга юборишдан аввал уларга Қуръон ўқитиб кўрар эдилар. Улардан Қуръонни кўп билганини раҳбар қилиб тайинлар эдилар.

Қуноларнинг бирида у зот алайҳиссалом кўп сонли кишиларни бир томонга юбормоқчи бўлдилар. Уларни Қуръондан имтиҳон қилдилар. Охири уларнинг ичидаги энг ёш йигитнинг олдида келиб:

«Эй Фалончи, сен Қуръондан қанча биласан?» дедилар.

«Фалон, фалон сураларни ва Бақара сурасини биламан», деди.

«Бақара сурасини биласанми?» дедилар.

«Ҳа», деди.

«Боравер, сен уларга амирсан», дедилар».

Бундан мазкур гуруҳдаги саҳобаларнинг Қуръондан билганлари тенг келиб қолиб, уларнинг ичидан афзалини танлаш учун Бақара сураси ўлчов бўлган, дея оламиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръон ўқишга ва уни ўқитишга тарғиб қила туриб, уни кишилар учун дунёдаги энг севимли нарсалардан бири – мискка ўхшатдилар.

Буларнинг барчаси Қуръони Каримнинг, Бақара сурасининг фазлидир.



Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир жойга кўп сонли кишиларни юборишдан аввал уларга Қуръон ўқитиб кўриш одатлари борлиги.

2. Қуръон бўйича илми баробарлар ичида Бақара сурасини биладиган киши афзал ҳисобланиши.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни ўрганишга, уни қироат қилишга ва қироат қилдиришга тарғиб қилганликлари.

4. Қуръонни ўрганган, қироат қилган ва унга амал қилганлар учун Қуръон худди миск тўлдирилган қопга ўхшаши.

5. Қуръонни ўрганиб, ичига олиб ётган одам ичига миск солиб, оғзи боғлаб кўйилган қопга ўхшаши.

۳۳۰۸ - وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا تَجْعَلُوا بَيْوتَكُمْ مَقَابِرَ، وَإِنَّ الْبَيْتَ الَّذِي تَقْرَأُ فِيهِ الْبَقْرَةَ لَا يَدْخُلُهُ الشَّيْطَانُ. رَوَاهُمَا التِّرْمِذِيُّ.

3308. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Уйларингизни қабрга айланторманглар. Бақара сурасини ўқилган уйга шайтон кирмайди», дедилар».**

*Иккисини Термизий ривоят қилишган.*

Бу ҳадиси шарифлар ҳам Қуръони Каримнинг ва Бақара сурасининг фазлини яна ҳам бошқачароқ васф қилмоқда.

Барча одамлар уйларининг обод бўлиши, уларнинг қабристонга ўхшаб қолмаслиги учун ҳаракат қиладилар. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида турли-туман ишлар, сарф-харажатлар қиладилар.

Ушбу мақсадни амалга оширишнинг энг қулай, баракали ва арзон йўли ушбу ҳадиси шарифда баён қилинган экан. Ҳар бир мусулмон киши ўз уйи обод бўлиши, қабрга ўхшаб қолмаслиги учун уйида Бақара сурасини ўқиб турса бўлди экан.

Кишилар ўз уйларининг омонлик кўрғони бўлишини жуда ҳам истайдилар. Уйда истиқомат қилувчиларнинг барчаси тинч-омон ва хотиржам бўлишлари учун барча имкониятларни ишга соладилар. Айниқса, жину шайтонларнинг ёмонлигидан эҳтиёт бўлишга алоҳида аҳамият берадилар.

Бу мақсадга эришишнинг осон ва қулай йўли ҳам ҳар ким ўз уйида Бақара сурасини ўқиб туриши экан.

Бунга ўхшаш ривоятлар жуда кўп. Мисол учун, яна бир ривоятни келтирайлик:

Абу Убайд ривоят қиладилар:

«Бир одам намозда Бақара ва Оли Имрон сураларини ўқиди. Намозини тугатганидан кейин ҳазрати Каъб розияллоҳу анҳу унга:

«Бақара билан Оли Имронни ўқидингми?» дедилар.

«Ҳа», деди.

«Менинг жоним қудрат қўлида бўлган Зот билан қасамки, бу икковида у билан дуо қилса, мустажоб бўладиган Аллоҳнинг исми бор», дедилар.

«Менга ўргатиб қўйинг», деди.

Ҳазрати Каъб розияллоҳу анҳу:

«Йўқ, ўргатмайман. Сенга унинг хабарини айтсам, ўзингни ҳам, мени ҳам ҳалок қиладиган дуо қилиб қўймагин», дедилар».

Имом Бухорий ривоят қиладилар:

«Усайд ибн Ҳузайр розияллоҳу анҳу кечаси Бақара сурасини ўқиётган эди. Яқинида оти боғлоғлик турар эди. Бирдан от типирчилаб қолди. Қироатдан тўхтаган эди, от ҳам яна тўхтади. Яна ўқиган эди, от ҳам типирчилади. Ўғли Яҳё яқинида ухлаб ётарди. От босиб олмасин, деб бориб, уни қўлига олди ва бошини осмонга кўтарди. Тонг отгандан сўнг бўлиб ўтган ҳодисани Пайғамбар алайҳиссаломга сўзлаб берди. У киши:

«Ўқи, эй Ибн Ҳузайр», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, Яҳёни босиб олмасин, деб кўрқдим, унинг яқинида эди. Бошимни кўтариб, унинг олдига бордим. Осмонга қарасам, булутга ўхшаш нарса. Ичида чирокка ўхшаган нарсалар ҳам бор. Уларни кўрмай деб, чиқиб кетдим», деди.

Пайғамбар алайҳиссалом:

«У нималигини биласанми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

У зоти бобаракот:

«Улар сенинг овозингга келган фаришталар. Агар тонг отгунча ўқийверганингда, одамлар уларга назар солса бўларди. Улар беркинмас эдилар», дедилар».

*Ҳадис ва Ҳаёт китоби 30 жуз*

*Қуръон фазилятлари китобининг 3 бобидан.*







## РОБИТАТУЛ ОЛАМИЛ ИСЛОМИЙ ҲУЗУРИДАГИ ИСЛОМ ФИҚҲИЙ АКАДЕМИЯСИ ҚАРОРЛАРИ

Учинчи мажлис қарори:

23-30 робийъус-соний, ҳижрий 1400 сана.

# НАСЛНИ ЧЕКЛАШ ҲАҚИДА ШАРИАТ ҲУКМИ



Аллоҳнинг Ўзига ҳамдлар бўлсин!

Ортларидан Набий йўқ зотга салавотлар бўлсин!

Ислом Фиқҳи Академияси наслни чеклаш, одамларни алдаш учун йўлга қўйилган «наслни режага солиш» деб аталаётган масалани кўриб чиқди.

Муноқаша ва фикр алмашувлардан кейин Ислом Фиқҳи Академияси бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Ислом шариати мусулмонлар наслни кўпайтириш ва таратишга тарғиб этади, наслни буюк неъмат ва Аллоҳнинг бандаларига берган улуғ атоси деб эътибор қилади. Бу ҳақда Аллоҳнинг Китоби ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида кўплаб далиллар келгандир.

Ўша далиллар наслни чеклаш ва ҳомилани ман қилиш Аллоҳ яратган инсоний табиатга ҳамда Аллоҳ бандаларига рози бўлган Ислом шариатига зид эканини таъкидлайди.

Наслни чеклашга ёки ҳомилани ман қилишга чақираётганлар мусулмонларнинг сонини камайтиришга ҳаракат қилаётганлардир.

Ана шуларни эътиборга олиб, Ислом Фиқҳи Академияси бир овоздан қуйидагиларга қарор қилди:

Наслни чеклаш мутлақо мумкин эмас. Агар очликдан хавфсираб ёки шариат эътибор қилмаган сабабларга биноан қилинадиган бўлса, ҳомилани ман қилиш ҳам жоиз эмас. Чунки Аллоҳ таоло ризқ берувчи Зотдир. Ер юзидаги барча жониворларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир.

Аммо алоҳида, зарар аниқ бўлган ҳолатларда, аёл оддий ҳолда туға олмай, унинг қорнини ёриб, боласини олишга мажбур бўлинадиган ҳолатларда ҳомиладор бўлишни ортга сурадиган омилларни ишлатишга монъелик йўқ.

Шунингдек, бошқа шаръий ва тиббий сабабларга кўра онанинг ҳаёти хавф остида қоладиган бўлса, ишончли мусулмон табиблар қарори ила ҳомилани ман қилувчи воситаларнинг ишлатилиши жоиздир.

Аммо умумий равишда наслни чеклаш ва ҳомилани ман қилиш шариат бўйича жоиз эмас.

*Ислом Фиқҳи Академияси*



## СУНЪИЙ УРЧИТИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРДАН КЎЧИРМА

Оилали бўла туриб ҳомиладор бўлмаётган аёл ва унинг эрининг болага бўлган ҳожати шаръий ғараз деб эътибор қилинади. Улар ўзларини бу маънода даволатишлари мубоҳдир. Жумладан, сунъий урчитиш йўли билан ҳам.

Эрнинг уруғлигини олиб, уни хотинининг бачадонига қўйиб урчитиш, шариат бўйича жоиздир.

Эр-хотин икковларидан уруғликларини олиб, найчада урчитиб, сўнгра хотиннинг бачадонига солиб қўйиш ҳам шариат бўйича жоиздир.

Бошқа услуб билан бўладиган сунъий урчитишнинг турлари мумкин эмас.

Шу билан бирга, сунъий урчитишни амалга ошириш жараёнида Ислому шариати қоидаларига амал қилиш лозим. Даволанаётган аёлга иложи борича муслима табиба қарасин.

## АЪЗОЛАРНИ КЎЧИРИШ ҲАҚИДА

Аллоҳнинг Ўзига ҳамдлар бўлсин!

Ортларидан набий йўқ зотга саловатлар бўлсин!

Ислому Фикҳи Академияси Маккаи Мукарамада, Робитанинг биносида ҳижрий 1405 сана 28 рабиъус-соний – 7 жумодул аввал (1985 йил, 19-28 январь) кунлари бўлиб ўтган саккизинчи мажлисида бир инсоннинг аъзосини олиб, ўша аъзоси ишдан чиққан ва ёрдамга муҳтож бошқа инсонга қўйиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Бу иш янги тиббий илм ва жиҳозлар воситасида бажарилади.

Мазкур масалани кўриб чиқишни Ислому Фикҳи Академиясидан Робитанинг АҚШдаги ваколатхонаси илтимос қилган эди.

Ислому Фикҳи Академияси бу масала бўйича фазилятли устоз, шайх Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман Бассом тайёрлаган илмий баҳсни кўриб чиқди. Ундаги фикрлар, уламоларнинг айтган гаплари ва далилларини диққат билан ўрганди.

Муноқаша ва фикр алмашувлардан кейин Ислому Фикҳи Академияси бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Тирик инсоннинг жисмидан бир аъзони олиб, бошқа бир унга муҳтож инсоннинг ҳаётини қутқариб қолиш ёки асосий аъзоларидан бирининг вазифасини қайта тиклаш мақсадида унга қўйиш жоиз амалдир. Бу билан аъзоси олинган одамнинг инсоний эҳтироми пасаймайди. Бунда катта фойда, яхши ёрдам бор. Бу иш қуйидаги шартлар асосида бўлса, шариатга мувофиқ бўлади:

1. Аъзосини бераётган шахс оддий ҳаёти издан чиқадиган равишда зарар тортмаслиги шарт. Чунки шариат қоидаси бўйича, «Зарарни ўзига ўхшаган зарар ёки ундан зиёда зарар билан кетказилмайди». Агар аъзосини тақдим қилган шахсга зарар етадиган бўлса, ўзини ҳалокатга ташлаш бўлади ва бу шариат бўйича мумкин эмас.

2. Аъзони бериш ихтиёрий равишда, мажбурловсиз бўлиши лозим.

3. Аъзони кўчириш беморни даволаш учун ягона восита бўлиши, бошқа иложнинг имкони бўлмаслиги шарт.

4. Аъзони кўчириш ва ўрнатиш одатда муваффақият билан амалга ошишига ишонч тўлиқ бўлиши керак.

Шунингдек, қуйидаги ҳолатлар ҳам шариат бўйича жоиз ҳисобланади:

1. Муҳтож бемор учун ўлган одамнинг аъзосини олиш. Ўлган одам шариат қоидасига тўғри равишда ва ўзи тириклигида рози бўлганлиги шarti ила.

2. Муҳтож инсонга ҳалол ва сўйилган ҳайвоннинг, зарурат юзасидан бошқаларининг ҳам аъзосини олиб қўйиш жоиз.

3. Инсоннинг ўз жисмидан, мисол учун, териси ёки суягидан бир бўлагини олиб, ўзининг бошқа керакли жойига ўрнатиш ҳам жоиз.

4. Турли маъдан ва моддалардан қилинган сунъий нарсаларни инсон жисмига ўрнатиш ҳам жоиз. Мисол учун, бўғинлар, юракнинг клапани ва бошқалар.

*Ислому Фикҳи Академияси*







## НИМА УЧУН АҚИЙДА ЯГОНА ВА МАНГУ БЎЛГАН?



Шахслар ва жамоалар ҳаётида ақийданинг очиқ-ойдин таъсири ва зоҳирий манфаати бўлгани учун Аллоҳ таоло уни башарият учун умумий ва абадий қилди.

**Аллоҳни таниш:** фазилатли туйғуларни тоширади, хайрли ҳиссиётларни уйғотади, муруқба малакасини тарбиялайди. Кишининг буюк ва шарафли ишларни талаб қилишига сабаб бўлади, уни ҳақир ва бемаъни амаллардан четга буради.

**Фаришталарни таниш:** кишини комил идрок ва тўла ҳушёрликка чақирганидек, уларга ўхшашга, улар билан ҳақ ва яхшиликда ҳамкорлик қилишга чақиради. Шунда инсондан фақат яхшилик содир бўлади ва бу яхшиликни фақатгина карамли ғоя сари тасарруф қилади.

**Илоҳий китобларни билиш:** бу Аллоҳ томонидан инсоннинг моддий ва маънавий камолга эришиши учун чизилган рушд-ҳидоят йўлини билишдир.

**Расулларни таниш:** бу билан фақат улар Аллоҳ инсонлар учун ирода қилган маърифат булоқлари ҳамда пок ҳаёт тарзини кўрсатиб берадилар, деган эътибор юзасидан уларнинг изларидан бориш, ахлоқлари ила хулқланиш, уларга тақлид қилиш қасд қилинади.

**Охират қунини билиш:** бу яхшилик қилиш ва ёмонликни тарк қилиш учун энг кучли сабабдир.

**Қадарни билиш:** инсонни барча иқоб ва қийинчиликлардан ўтадиган ва катта ҳодисаларни кичиклаштирадиган қувват ва тоқатлар ила таъминлайди.

Бундан очиқ-ойдин кўринадики, ақийда ўзгармас ҳақиқатлар эканлиги билан бирга у билан хулқларни сайқаллаш, нафсларни поклаш ва уни комиллик сари юзлантириш қасд қилинади. Ақийда нафақат инсоний маърифатларнинг энг аълоларидан, балки мутлақ аълоси ҳисобланади.

Шахсларнинг ахлоқларини диний ақийдани сингдириш йўли ила тарбиялаш, энг улуғ тарбиявий услублардан биридир.

Чунки диннинг қалбларга ва нафсларга ҳукмдорлиги, туйғу ва ҳисларга таъсири бор. Ҳукмдорлик ва таъсир қилишда уламолар, ҳақимлар ва тарбиячилар ўйлаб топган усуллардан бирортаси унга яқин кела олмайди.

Ақийдани қалбларга сингдириш ҳаётда ўз вазифасини тўла бажариб бера оладиган ва қалбларни энг фойдали ва энг тўғри нарсалар билан бойитишда катта насибани инъом қиладиган салоҳиятли табиатларни пайдо қилишнинг энг намунали йўлидир.

Тарбиядан бўлган бу ранг ҳаётга гўзаллик ва комиллик либосини кийдиради ва унга муҳаббат ва тинчлик сояси ила соя солиб туради.

Қачонки муҳаббат ҳукм сурса, хусумат кўтарилади, низо кесилади, айрилиш ўрнини ҳамжихатлик эгаллайди, одамлар бир-бирларига яқинлашадилар, улфат бўладилар. Шахслар жамоат учун бўладиган яхшилик йўлида саъй-ҳаракат қилади. Жамоат эса шахсларнинг ислоҳи ва бахти учун ҳарис бўлади.



Ана шунда ақийданинг умумий ва абадий қилинишидаги, Аллоҳ таоло авлодлардан ҳеч бир авлодни, умматлардан ҳеч бир умматни

ақийдага, иймонга даъват қилувчи расулдан холи қилмаганлигидаги ҳамда ушбу ақийданинг илдизи чуқур қилинишидаги ҳикмат очик-ойдин кўринади.

Кўпинча бу даъват инсоний виждон бузилиши натижасида маънавиятлар вайрон бўлганидан кейин келар эди.

Албатта, бу ақийда ҳар бир шахс учун руҳдир, у билан инсон яхши ҳаёт кечиради. Ақийдани йўқотиш ила руҳ ҳам ўлади. Ақийда нурдир. Инсоннинг қалб кўзи кўр бўлиб, уни кўрмаса, ҳаёт йўлларида адашади ва залолат водийларида сарсон бўлади:


**«Ўзи ўлик бўлган, сўнг Биз тирилтириб, инсонлар орасида у билан юрадиган нурни бериб қўйган киши зулматлар ичида улардан чиқа олмай юрувчи одам каби бўлурми?»** (Анъом сураси, 122-оят)

Албатта, ақийда – фазилатли ҳиссиётлар (отифалар) масдари, яхши туйғулар экилган, шарафли ҳислар ўсадиган жойдир. Қай бир фазилат бўлмасин, ундангина содир бўлади. Қай бир солиҳ нарса бўлмасин, унгагина қайтади.

Қуръони карим солиҳ амаллар ҳақида сўзлаганда, ақийдани яхши амалларнинг аввалида – у асл бўлиб, ундан шаҳобчалар келиб чиқадигандек, у асос бўлиб, устига бошқа нарсалар асос бўладигандек зикр қилади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло марҳамат қилади:

**«Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизгина эмас. Лекин яхшилик – Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, набийларга иймон келтирган ва молини яхши кўра туриб, яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга, йўқсил йўлчига, тиланчиларга ва қул озод қилишга берган ҳамда намозни тўқис адо этган, закотни берган киши ҳамда аҳд қилганда, аҳдига вафо қилувчилар, йўқчилик, қийинчилик ва шиддат вақтида сабр қиладиганларникидир. Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар, ўшаларгина тақводорлардир»** (Бақара сураси, 177-оят).

*«Исломиё ақийдалар» китобидан  
Одинахон Муҳаммад Юсуф таржимаси*





# МАЙЙИТГА ДОД СОЛИБ ЙИҒЛАШНИНГ ЁМОНЛИГИ



Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Маййит, унга дод-вой солиб, кўз ёш тўкилса, қабрида азобланади», дедилар».**

*Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилишган.*

Бу борада Ибн Аббос ва Умар ибн Хаттоб розияллоху анхумо ҳамда бошқаларнинг фикри икки хил бўлган. Баъзилари «Маййит аҳлининг йиғиси сабабидан азобланади», деса, бошқалари: «Маййитга аҳлининг йиғиси туфайли азоб берилмайди, гуноҳ йиғлаганларнинг ўзларига бўлади», дейишган.

*Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху ривоят қилади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, маййит тирикларнинг «Вой ёрдамчим, вой химоячим, вой мадакорим, вой ғамхўрим», деб йиғлашлари сабабли азобланади. Маййитга: «Сен унинг ёрдамчисимсан?! Сен унинг ғамхўримсан?!» деб қаттиқ ушла-нади (яъни, сўроққа тутилади)», дедилар».**

*Ҳоким ривоят қилган. Санадини саҳиҳ, деган.*

Мазкур ҳадисни қуйидагиси қувватлайди.

*Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху ривоят қилади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Қайси бир маййит ўлганидан кейин унинг йиғловчиси туриб, «Вой тоғим, вой сунанчиғим», деса ёки шунга ўхшашларни айтса, албатта, унга икки фаришта вакил қилиниб, қулоғининг тагига уриб, «Шундай бўлган эдингми?!» дейдилар», дедилар».**

*Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.*

Абу Саъид Худрийдан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам дод солиб йиғловчи аёлни ва унга кулоқ тутувчини лаънатлаганлар.

*Абу Молик Ашъарий розияллоху анху ривоят қилади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Жоҳилият ишидан тўрт нарса менинг умматимда бордир. Уларни тарк қилмаслар: насаблар ила фахрланиш, насабларга тил текказиш, юлдузлардан истиско сўраш, овоз чиқариб, айтиб йиғлаш», дедилар. Яна у зот:**

**«Агар йиғи солувчи аёл ўлимидан олдин тавба қилмаса, қиёмат куни устида қатрондан бўлган лозим ва қичитқидан бўлган кўйлак билан тирилтирилади», дедилар».**

*Муслим ва Термизий ривоят қилишган.*

*Абу Саъиддан ривоят қилинади:*

**«Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам: «Чаккаларига уриб, кийимларини йиртувчи ҳамда жоҳилият дуоси билан дод-вой солувчи биздан эмас», дедилар».**

*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилишган.*

Тушунган одам учун бу жуда оғир гап. Пайғамбаримиз соллalloху алайҳи васалламнинг «биздан эмас» деганлари «у мусулмон эмас, ўзини мусулмонлардан санамасин», деганларидир. Одатда, йиғловчи аёллар йиғи давомида сочларини ёйиб, чаккаларига уриб ва ҳоказо ҳаракатлар билан кўпчиликнинг диққатини тортадилар. Ҳадисда айтилаётганидек, бу иш ўша одамнинг ҳатто Ислom динидан чиқиб қолишига сабаб бўлар экан.

Ҳузайфа розияллоху анху ўлими яқинлашганда шундай деган: «Агар мен ўлсам, ҳеч кимга хабар берманглар. Чунки дод-вой солиб, овоз чиқариб йиғлашдан қайтарганларини эшитганман».

*Термизий, Ибн Можса ва Байҳақий ривоят қилган.*

Юкоридаги ҳадисларни ўқигач, кишида «Ўлим пайтида мутлақо йиғлаш мумкин эмасми?» деган ҳақли савол туғилади. Ўлим – улкан мусибат. Яқинларидан жудо бўлиш, ота-онаси ёки

оға-иниларидан айрилиш ҳар қандай одамни ҳам йиғлатади, кўзини намлатади.

Эътибор берган бўлсангиз, барча ҳадисда «овоз чиқариб», «дод-вой солиб» деган иборалар ишлатилмоқда. Яъни маййитнинг ҳаққига овоз чиқариш қатъиян мумкин эмас. Лекин овозини пастлатиб, оҳиста йиғлаш жоиз. Ислom дини инсоннинг бу ғаризаси(хоҳиш, талаби)ни ҳам инobatга олган ва бундай йиғига рухсат берган.

Бу нарса пайғамбарлар саййиди Муҳаммад соллalloху алайҳи васалламнинг ҳаётлари мисолида содир бўлган.

*Анас ибн Молик ривоят қилади:*

**«Набий соллalloху алайҳи васаллам Иброҳимни олиб, ўпдилар ва хидладилар. Сўнг унинг олдига жон бераётганида кирдик. Расулulloхнинг кўзларидан ёш оқа бошлади. Шунда Абдуррахмон ибн Авф у зотга: «Сиз-а, эй Аллохнинг Расули?!» деди. У зот: «Бу раҳматдир», дедилар ва яна йиғладилар. Сўнгра у зот: «Албатта, кўз йиғлайди, қалб маҳзун бўлади, бироқ биз фақат Роббимиз рози бўладиган нарсаларнигина айтамыз. Биз сендан айрилганимиздан жуда хафамиз, эй Иброҳим», дедилар».**

*Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилишган.*

*«Ҳилол» тақвимида олинди.*

*Ирода тайёрлади*







# ЖУВАЙРИЯ БИНТИ ХОРИС РОЗИЯЛЛОХУ АНХО

Жувайрия онамиз Бану Мусталиқ қабиласи бошлиғи Хорис ибн Зирорнинг қизи эдилар. У киши қабила бошлиғининг қизи сифатида ўша даврнинг олий тарбиясини кўрган, ҳамма нарсдан хабардор қиз сифатида вояга етган эдилар. У киши ёшлик чоғларидаёқ Хузоъанинг машхур йигитларидан Мусофеъ ибн Сафвонга турмушга чиққан эдилар. Бану Мусталақ билан бўлган жангда Мусофеъ ибн Сафвон ҳалок бўлади. Жувайрия онамиз эса асирга тушиб қоладилар. Ўлжалар тақсимланган пайтда Жувайрия онамиз саҳобалардан Собит ибн Қайс ибн Шаммос розияллоху анхунинг чекига тушадилар. У киши Собит ибн Қайс ибн Шаммос розияллоху анху билан музокара олиб бориб, тўққиз увқия тилла бериб, ўзини озод қилишга шартнома туздилар. Жувайрия онамиз пулларни топиш пайига тушдилар. У киши бу мақсадга эришиш учун нима қилиш кераклигини яхши билар эдилар. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига келдилар ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен муслима аёлман, «Лаа илааҳа иллаллоҳ», деб шаҳодат келтираман. Мен ўз қавмимнинг саййиди Хориснинг қизиман. Бошимга сизга махфий бўлмаган бало тушди. Мен Собит ибн Қайс ибн Шаммоснинг чекига тушдим. У мен билан тоқатим ҳам, қўлим ҳам, қудратим ҳам етмайдиган нарсага аҳднома тузди. У тўққиз увқия тилладан иборатдир. Мен сиздан умид қилганим учун рози бўлдим. Аллоҳ сизга салавот юборсин. Сизнинг хузурингизга тузган шартномамни адо этишда ёрдам сўраб келдим», дедилар.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Сенга бундан кўра яхшироқ бўлишини хоҳлайсанми?» дедилар.

«У нима, эй Аллоҳнинг Расули?» дедилар.

«Сенинг шартномангни адо қилиб, ўзингга уйланаман», дедилар у зот.

«Хўп! Эй Аллоҳнинг Расули!» дедилар.

«Ўшандоқ қилганим бўлсин», дедилар у зот.

Жувайрия онамизнинг бундай қилишларининг сабаби:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг келишларидан уч кеча олдин тушимда Ясрибдан бир ой келиб, қучоғимга тушганини кўрдим. Буни бировга айтишни истамадим. Асирга тушганимда тушим ўнгидан келишини орзу қилдим. Бас, у зот мени озод қилиб, никоҳларига олдилар».

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам Жувайрия онамизга уйланганлари ҳақидаги хабар тарқалиши билан бирга, саҳобалар буйруқ билан эмас, ўз ихтиёрлари билан бутун бошли бир қавмни қулликдан озод қилиб юборишди. У зотнинг Жувайрия онамизга уйланганлари сабабли қулликдан озод бўлган бутун бошли бир қавм Исломни қабул қилди. У зотнинг бу уйланишлари яхшилик устига яхшилик, барака устига барака келтирди. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам янги онамизнинг исмларини Баррадан Жувайрияга ўзгартирдилар. Ўша вақтда Жувайрия онамизнинг ёшлари йигирмада эди.

Шундай қилиб, Жувайрия онамиз нубувват хонадони аёлларининг дуру жавҳар силсиласига қўшилдилар. У кишининг Исломлари гўзал эди. Кўп зикр қилувчи, кўп нафл намоз ўқувчи ва рўза тутувчи эдилар.

Жувайрия онамиз ҳижрий эллигинчи санада, олтмиш беш ёшларида вафот этдилар ва Бакийъ кабристонига дафн қилиндилар.

*Назокат тайёрлади*





## АЁЛЛАРГА САЛОМ БЕРИШ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Номаҳрам аёлларга ҳам салом берсак бўладими? Баъзида «бериб бўлмайди» деган сўзларни эшитиб қолганимиз учун Сизга ушбу саволни беряпмиз. Одобсизлик қилган бўлсам, узр. Дин йўлида қилаётган ишларингизни Аллоҳ бардавом қилсин. Раҳмат.

**ЖАВОБ:** Фитна хавфи, яъни кўнгил бузилиши каби ҳолатлар бўлса, мумкин эмас.

## ҲИЖОБНИ ЕЧИШ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум! Ҳазрат, агар ота ўз қизидаги вожиботларни бажариб, уни турмушга берганидан кейин қизи ҳижобини ечса, бунга ота ҳам жавобгар бўладими? Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Ассалому алайкум!

**ЖАВОБ:** Бўлади.

## ҚАЙНОТА ВА КЕЛИН

**САВОЛ:** Ассалому алайкум Шайх ҳазратлари! Саволим қуйидагича: Мен аксарият вақтларда уйда кундузлари қайнота билан ёлғиз қоламан. Баъзилардан бу нарса мумкин эмаслигини эшитиб қоламан. Шу ҳолатда мен нималарга эътибор беришим керак? Жавобингиз учун раҳмат.

**ЖАВОБ:** Иложи борича у киши билан бир жойда турмасликка ҳаракат қилинг.

## ТУТИНГАН АКА-СИНГИЛ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, муҳтарам Шайх ҳазратлари. Ижозатингиз билан қуйидаги саволни сизга такдим этсам. Шариатимизда тутинган ака-сингил деган тушунча борми? Масалан, номаҳрам эркак ва аёл тутинган ака-сингил бўлиши мумкинми, яни бир-биридан ўзини олиб қочмай яшаса бўладими? Тўғриси, бундай ҳолат баъзи танишларимда содир бўлганлиги учун ва бу ҳақда менда ҳеч қандай маълумот йўқлиги учун ўйлашиб қолдим. Улар: «Бизни бир аҳли илм инсон ака-сингил тутинтириб қўйган», дейишади. Бу ҳақда ҳеч ҳам эшитмаганим учун бир нарса дея олмайман. Шунинг учун сизга савол йўллашга аҳд қилдим. Жавобингиз учун олдиндан ташаккур.

**ЖАВОБ:** Ака-сингил тутиниш деган нарса шариатда йўқ.

## ҒУСЛ ҲАҚИДА

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, ҳурматли Устоз.

Қишлоқлардаги шароитни яхши билсангиз керак, шундай қишлоқлар борки, у ерларда қишин-ёзин газ, чироқ, сув ва иссиқликдан танқис. Қишлоқдаги намозхон аёллар сиздан шу саволнинг жавобини сўраб беришимни илтимос қилишди. Эр ва хотин жимоъ қилганларидан кейин ғусл қилиш қийин бўлади. Қишда бошларини ювганларидан кейин сочларини қуритишнинг иложи йўқ, ўзингиз биласиз, у ерларда ток йўқ. Агар ювса, бошларини шамоллатиб қўйишлари мумкин. Шундай ҳолатда улар баданларини ювиб, бошларини ювмасалар ҳам бўладими? Саволимга жавоб берганингиз учун олдиндан раҳмат!

**ЖАВОБ:** Сочларини ўриб олиб, тагига сув теккизишлари керак. Ўрилган сочнинг ҳаммасини ювиш шарт эмас.

## СОЧНИ ҚИСҚАРТИРИШ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, муҳтарам Устоз, динимиз ривожини йўлида Аллоҳ розилиги учун қилаётган улкан хизматларингизнинг ажрини Алийму Хобийр Зот кўпайтириб берсин ва жаннатига улуғ даражалар ила мукофотласин! Саволим қуйидагича:

Агар аёл киши сочи узунлигидан шикоят қилиб, узун сочни парвариш қилиш машаққатидан қочиб, сочини қисқартириб олишга ижозат сўраса (албатта, эркакларникидек қисқа эмас, елкадан тушиб турадиган қилиб), унга рухсат бериш керакми?

Умуман, аёл кишининг сочи узунлигининг аҳамияти хусусида динимизда бирон кўрсатмалар борми?

**ЖАВОБ:** Бу эрининг ҳаққи, эр ўзи билади.

## ПУДРА СУРТИШ

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, устоз. Сизга баракали умр тилаб, қуйидаги саволни бермоқчи эдим:

Аёлим кўчага пардоз қилмасдан чиқади. Лекин аёлим: «Баҳор ёки ёз иссиғида кўчага чиқсам, юзимга қуёш нури таъсир қилиб, салбий таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун билинмас даражада пудра суриб кўчага чиқсам бўладими?» деб сўради. Устоз, динда бунинг ҳукми қандай? Ёрдамингиз учун ташаккур. Аллоҳ рози бўлсин.

**ЖАВОБ:** Соғлиқ учун зарур бўлса, жоиз.

«Зикр аҳлидан сўранг»  
саҳифасидан олинди.







## ОНАЛАРГА МАСЛАХАТ БОЛАНИ ТАҲОРАТЛИ ХОЛДА ЭМИЗИШНИНГ ҲОЙДАСИ

Кунларнинг бирида Аҳмад Биджон Гелиболунинг энг катта масжидида маъруза қилар эди. Ҳар бир киши ваъзни диққат билан тингларди:

«Биродарларим! Инсонни Аллоҳдан узоқлаштирувчи энг ёмон нарса – бу ўлик ва кибри қалбдир. Қалбнинг ўлик ва кибри бўлишига сабаб эса – бу ўткинчи дунёнинг матоҳига учишдир. Ҳадиси Қудсийда: «Эй Одам боласи! Шукр қил, ризкли бўлурсан. Ҳасад қилма, хотиржам бўлурсан. Ўткинчи ҳаётга муҳаббат қўйма, тақвоинг кучли бўлур», дейилган.

Аллоҳни севинг, чиркин сўз айтманг ва ғийбат қилманг. Ким кам гапириб, ҳақни сўзласа, ақли расо бўлади. Ким озига шукр қилса, Аллоҳнинг сўзига иймон келтирган бўлади. Ким бу дунё ҳақида қайғурса, Аллоҳдан йироқлашган бўлади...»

Аҳмад Биджон ҳазратлари маъруза ўқиётган минбардан бир зумга бошини кўтарди ва масжид

эшиги олдида ўз акасини кўрди. У кулиб турар эди. Ҳазрат нега акалари масжидга кирмаётганига хайрон бўлади. Сўнг маъруза қилишда давом этади. Лекин акасининг нега бундай қилгани ҳеч хаёлидан кетмайди.

Кечкурун эса онасига бўлиб ўтган воқеани сўзлаб беради: «Она! Бугун менинг диққатимни ўзига жалб қилган ҳодиса рўй берди. Бугунги маърузам чоғида масжид эшиги олдида акам кулиб турар эди. Аммо ичкарига кирмади. Бунинг сабабини ундан билиб бера оласизми?»

Онаси унинг илтимосини бажариш учун эртасига катта ўғли Муҳаммад Биджонниқига борди. Сухбат асносида ундан нимага кеча маърузани масжид ичига кирмасдан, эшик олдида тинглаганини сўради.

Шунда у: «Менинг укам билимдон олим. Унинг сўзлари маъноларга бой. Унда одамлар диққатини ўзига жалб қилиш ва қалбларига кириб бориш қобилияти бор. Анчагина одамлар унинг илмидан, тажрибасидан баҳра олгани келишибди. Мен ҳам масжидга унинг гўзал маърузасини тинглагани бордим. Мен фаришталар қанотларини очиб, унинг маърузасини тинглаётганларини кўрдим.



Уларни босиб олишдан кўриқиб, ичкарига кирмадим», деди.

Унинг бу сўзларидан қувонган она уйига қайтиб, кичик ўғлига ҳаммасини тушунтириб берди. Аҳмад Биджон хурсанд бўлиш ўрнига киёфасида ўзгариш пайдо бўлди. Буни сезган онаси сабабини сўради. Шунда у:

«Нимага акам фаришталарни кўради-ю, мен кўрмайман? Сабаби нимада?» деди. Онаси бу кутилмаган саволдан хайрон бўлиб қолди. Ҳазрат Аҳмад Биджон эса сўзида давом этарди: «Онажон, сиз сабабини билишингиз керак. Яхшилаб ўйлаб кўринг, балки эсларсиз».

Онаси бир оз вақтдан сўнг кўзларида ёш билан сўзлай бошлади: «Чақалоқлигингда бир куни мен намоз ўқиётган эдим, сен йиғлаб қолдинг. Салом беришга (намоз тугашига) озгина қолганда кўшни аёл кириб қолди-да, сени овутиш учун эмиза бошлади. Салом бериб бўлдим-у, шоша-пиша сени унинг кўлларида тортиб олдим, аммо унгача сен бир-икки қултум эмиб улгурган эдинг. Сўрасам, у таҳорати йўқ экан. Мен сени ҳеч қачон таҳоратсиз эмизмас эдим. Сабаби шу бўлса керак».

Аҳмад Биджон: «Тўғри», деди.



*Рус тилидан Гўзал таржимаси.*

## ҲОЖАТХОНАГА КИРАЁТГАНДА АЙТИЛАДИГАН ДУО:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ

«Аллоҳумма инний аъзуз бика минал хубси вал хобаиси». «Аллоҳим! Эркак ва урғочи шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман».

## ҲОЖАТХОНАДАН ЧИҚАЁТГАНДА АЙТИЛАДИГАН ДУОЛАР:

غُفْرَانَكَ

«Ғуфронака». «Сенинг мағфиратингни сўрайман».

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنِّي الْأَذَى وَ عَافَانِي

«Алҳамду лиллаҳил лази азҳаба ʻаннил аза ва ʻафани». Мендан азиятларни кетказиб, офиятда қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин.







## МЕҲМОН ВА МЕЗБОННИНГ ОДОБЛАРИ

Халқимиз меҳмондўстлиги, меҳмоннавозлиги билан шуҳрат қозонган. Бирор ўзбек хонадони, оиласи йўқки, меҳмонни хурсандчилик билан кутиб олмаган, уйдаги бор неъматларни унинг дастурхонига келтириб тўкмаган бўлсин. «Меҳмон отангдай улуғ», «Меҳмон келар эшикдан, ризқи кирар тешикдан», «Меҳмон олдида ҳатто мушугингни пишт дема» каби мақоллар бежизга айтилмаган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган қуйидаги ҳадисда бундай дейилган: «Ким Аллоҳга ва охиратга иймон келтирса, меҳмонини иззат-икром қилсин. Мезбоннинг бир кеча-кундуз кўрсатган иззат-икромни, қилган зиёфати меҳмонга бир мукофот тариқасида бўлсин. Аслида меҳмоннинг иззати уч кундир. Бундан ортиғи меҳмон учун садақадир».

Анас ибн Молик эса: «Меҳмон кирмаган уйга фаришталар ҳам кирмайди», деганлар. Иброҳим алайҳиссаломни меҳмонларнинг отаси деб аташарди. У кишининг уйда тўртта эшик бўлиб, қайси эшикдан бирор меҳмон кириб келаркин, деб қараб ўтирарди.

Меҳмондорчилик мезбон ва меҳмоннинг ўзаро мулоқоти, бир-бирига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши ва бир дастурхон атрофида ўтириб таомланишидан иборат. Шундай экан, мезбон ҳам, меҳмон ҳам риоя қилиши зарур бўлган одоблар бор.

### Мезбоннинг одоблари:

- меҳмонга ҳалол ва покиза таом тортиш;
- меҳмон кутишда бирор ғаразли мақсад ёки риё бўлмаслиги;
- меҳмонни илтифот билан кутиб олиш ва яхши жойга ўтиргизиш;
- меҳмоннинг қаршисида очик чехра билан хушнуд ўтириш;
- меҳмон қанча кўп келса ҳам ранжимаслик;
- чақирилмаган меҳмонни кўпроқ ҳурмат қилиш;
- бахиллик қилмаслик ва меҳмондан ҳеч нарса ни қизганмаслик;
- ясама илтифот кўрсатмай, қўлдан келганича самимий бўлиш;
- меҳмондан қайси таомни ёқтиришини сўрамаслик;
- меҳмон учун ўзи энг яхши кўрган таомни тайёрлаш;

- таомдан ейишга ҳадеб зўрлайвермаслик;
- агар меҳмон ташқарига чикса, бирга бошлаб чиқиш ва камида етти қадам бирга юриш;
- ўзини кўрсатиш учун ҳадеб узрхонлик қилмаслик;
- миннат қилмай, дастурхонидан нон еганига хурсанд бўлган ҳолда шукр қилиб, миннатдорчилик билдириш.

### Меҳмоннинг одоблари:

- меҳмонга борган киши уйга киришда мезбондан олдин юрмайди, уй ёки ҳовлига «Бисмиллаҳ»ни айтиб, ўнг оёқ билан салом бериб киради.
- мезбон қайси жойни кўрсатса, ўша жойга ўтиради, унинг рухсати билангина туради.
- ўнгу сўлига, паст-баландга алангламай, одоб билан ўтириши лозим.
- келтирилган таомдан рози бўлиб, мезбонни хурсанд қиладиган даражада ейди, уни у ёқдан бу ёққа олиб қўявермайди, таомга шукрона айтиб, хонадон аҳлини дуо қилиб, хайрлашади.

Шу ўринда бир ҳадисни келтирсак:

«Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари билан бир кишиникига меҳмонга боришибди. Мезбон эса уйдаги бор нарсалар билан уларни меҳмон қилибди. Меҳмондорчиликдан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари билан бирга келган саҳобаларга мезбонни тақдирлашларини айтибдилар. Шунда саҳобалар: «Қандай қилиб тақдирлаймиз?» деганларида, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дастурхонингизда рўзадорлар ифтор қилсин, таомингизни аброрлар есин, фаришталар сизларга истиғфор айтсин», дейишингиз уни тақдирлашингиздир», деган эканлар».

Қаранг, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кундалик ҳаётнинг энг дақиқ жойларигача эътибор бериб, таълим берганлар. Бизга шундай гўзал дуоларни ўргатиб кетган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга беҳисоб дурудун саватлар бўлсин. У зотнинг айтганларига оғишмай амал қилишни Аллоҳ таолонинг Ўзи барчаларимизга насиб айласин.

Ирода тайёрлади



## «Мусулмончилик – аста-секинлик»ми?



«Бугун ярим литр ичиб, эртага 300 мл ичиб, ундан кейин 100 мл ичиб, шу тариқа ичишни бутундай ташлаб юборсам бўлар экан», дейиши мутлақо нотўғри! Ҳаром амалдан тийилиш фарз! Ҳаромнинг оз-кўпи бўлмайди, барчасидан тийилиш фарз ҳисобланади. Ҳаром амал секин-секинлик билан тарк этилмайди. Бир амалнинг ҳаромлиги билинган заҳоти ундан дарҳол тийилиш лозим.

Хўш, ундай бўлса «Мусулмончилик – аста-секинлик» иборасига қачон амал қилиш мумкин?

Бу иборага суннат ва нафл ибодатларни амалга оширишда амал қилинади. Маълумки, суннат деганда Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган амаллари, ай-

Халқ орасида гоҳида «Мусулмончилик – аста-секинлик» деган гапни эшитиб қоламиз. Хўш, аслида ҳам шундайми? Буни қандай тушуниш керак?

«Мусулмончилик – аста-секинлик» экани тўғри, аммо бу «аста-секинлик»нинг ҳам меъёри, ўрни бор. Масалан, фарзларни адо этишда бу иборага амал қилинмайди. Дейлик, бир киши намоз ўқишни бошлади. Унинг «Мусулмончилик – аста-секинлик. Аввалига икки маҳал, кейин уч маҳал ўқиб, секин-секин беш маҳал намоз ўқишга ўтиб оламан», дейиши мутлақо нотўғри. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандага бир кеча-кундузда беш вақт намоз ўқишни буюрган. Агар банда бунга қодир бўлмаса ёки секин-секин ошириб бориб, беш маҳал ўқишга ҳаракат қилиши мумкин бўлганда, Аллоҳ таоло беш маҳал намоз ўқишни фарз қилмаган бўларди.

Ёки шунга ўхшаш яна бир мисол: Балоғатга етган қиз бола ёки аёл киши авратини номаҳрамлардан тўсиши фарз эканини билди. «Мусулмончилик – аста-секинлик», деб аввалига бошига рўмол ўраб юриб, бир муддат ўтганидан кейин рўмолнинг учини бўйнига тушириб, кейинчалик авратини тўлиқ ёпиши мутлақо тўғри эмас. Номаҳрамлардан авратини беркитиши балоғатга етган ҳар бир муслима учун фарздир! Бу борада ҳам секин-секинлик ўтмайди.

«Мусулмончилик – аста-секинлик» иборасига амал қилиб бўлмайдиган ўринлардан яна бири ҳаром амаллардан тийилишдир. «Мусулмончилик – аста-секинлик» экан деб, спиртли ичимлик ичадиган киши:

тган сўзлари, буюрган ишлари тушунилади. Масалан, Пайғамбаримиз алайҳиссалом душанба ва пайшанба кунлари рўза тутар, кечалари таҳажжуд намози ўқир эдилар. Бу амаллар суннат амалдир. Ким Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васалламга эргашай, у зот алайҳиссаломнинг суннатларига амал қилиб тўғри йўлни топай, Аллоҳнинг фазлига эришай деса, ушбу суннатларга амал қилишни секин-секинлик билан йўлга қўйиши мумкин. Бу амаллар суннат, вожиб эмас. Агар қила олмай қолса ёки баъзида қилмаса, гуноҳкор бўлмайди. Шундай ишларга секин-секин амал қилиш мумкин.

Нафл ибодатлар ҳам шу кабидир. «Нафл» сўзи «зиёда» деган маънони англатади. Яъни нафл амаллар фарз, вожиб, суннат амалларга қўшимча қилинадиган зиёда амалдир. Уни қилган киши савоб олади, қилмаган киши гуноҳкор бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу амалларни қилишни секин-секин йўлга қўйган кишига танглик йўқ. Масалан, бир кеча ва кундузда адо этиладиган беш вақт намозга қўшимча равишда ўқиладиган ишроқ, зуҳо, аввобин каби намозлар нафл намозлар ҳисобланади. Буларни адо этиб боришни йўлга қўйишда секин-секин ҳаракат қилиш мумкин. Бир муддат бир нафл амални қилиб, бу амални қилиб юриш ўзига осон бўлиб қолган киши яна зиёда амал қилгиси келади, шунда бошқа бир нафл ибодатни қилишни ҳам йўлга қўйиши, шу тариқа секин-секин кўплаб нафл ибодатларни адо этадиган бўлиши мумкин.

*Ғиёсиддин Муҳаммад Юсуф*







## Ҳеч ўйлаб кўрдингми?...

Эрта тонгда уйғондинг. Руҳан тетик, жисмонан соғломсан. Ота-онанг ҳаёт, турмуш ўртоғинг ёнингда, болаларинг бағрингда, тинч ва хотиржам ҳаёт кечирмоқдасан...

Сен бахтлисан, лекин буни ўзинг ҳис қилмайсан. Қандай неъматлар ичида яшаётганингни тушунишинг учун баъзи бир нарсаларни ўйлаб кўр ва фикр қил...

Қаерлардадир уруш кетмоқда, сен каби бир онанинг кўз ўнгида жигарпорасини отиб ташлашди, ёки она сути оғзидан кетмаган гўдаккина бир лаҳзада ҳам отаси, ҳам онасидан айрилиб қолди... Кимдир овлоқ бир қишлоқнинг вайрона касалхонасида шифтга термулганча ўлимини кутиб ётибди... Дунёнинг қаеридадир сен тенги бир бева аёл болаларига бир бурда нон топиш учун ҳар қандай оғир ишни ҳам қилишга тайёр. Унинг ўзи ҳам, болалари ҳам сенинг фарзандларинг ҳар куни баҳраманд бўладиган ноз-неъматларни тушларида ҳам кўрмаган. Сен эса турмуш ўртоғинг олиб келган бозорликни жойлаб қўйишга ҳам эринасан, болаларинг эса салгина кўнгли тусаманган таом бўлса, бурнини жийиришади...

Кимдир бедаво дардга чалинган, даволанишга пули йўқ, кимдир бойлиги бисёр, лекин ўзи руҳий хасталикка чалинган, на бойлигини ва на ўзини бошқара оладиган даражада эмас...

Қариялар уйдаги умри охирлаб бораётган ғарибларни, етимхоналардаги кўзлари кўча эшигига термулган қора кўзларни, ногиронлар уйдаги куни аравада ўтаётган боши эгик ожиз ва нотавон кишиларни кўз олдинга келтир. Улар

ҳам инсон, ҳар бир одам боласи каби икки дунёда бахтли бўлишга ҳаққи бор эди, лекин Аллоҳ уларни эмас, сени танлаб олди ва бахтли бўлишинг учун беҳисоб неъматларни пойингга сочиб қўйди... Қани, айт-чи, шундан сўнг ҳам ўзингни бахтсизман, дея оласанми?...

Сен ниҳоятда бахтлисан, ютуқдасан, фақат шукр қилишни билмайсан. Бу неъматларни сен ўзинг яратиб олмадинг, балки Аллоҳнинг фазли-марҳамати туфайли улардан баҳраманд бўлиб турибсан. Бас, шундай экан, нега шукр қилишга шошилмайсан, нега ҳалигача Аллоҳ сенга фарз қилган ибодатларга бепарволикда давом этмоқдасан?! Такво либосини эмас, ношукрлик тўнини кийиб олгансан. Ҳаммага ҳаётингнинг қийинлигидан, болаларинг ва эринг сени қийнаб юбораётганидан нолийсан. Ўша лаҳзаларда қанчадан-қанча аёллар тирноққа зорлигини, яна қанчалари ёлғиз эканини ўйлаб ҳам кўрмайсан... Унутмагинки, кимда-ким неъматнинг қадрига етмаса, Аллоҳ уни бундан маҳрум этиб, бошқа шукр қилувчи бандасига бериши мумкин. Бугунги кунда баъзи оилаларнинг бузилиб кетаётгани, қачонлардир бир-бирига кўнги қўйиб, энди эса бир-бирини кўришга кўзи йўқ эр-хотинларни кўрганингда, бундай кунлар сенинг ҳам бошингга келиб қолишидан аввалроқ ҳаётингни тафтиш қилиб, бунинг чорасини кўришни ўйла. Агар эрингнинг сенга бўлган муносабати бир оз ўзгарганини сезсанг, бу ҳолатга айбдорни уйингнинг ташқарисидан эмас, ичкарисидан қидир. Балки, ўша айбдор сен ўзингдирсан?..





Ўйлаб кўр.

Сен кўчага чиқаётган пайтда кўчадаги одамлар олдида ноқулай ҳолатда қолмаслик ва уларга ёқимсиз кўринмаслик учун албатта кўзгуга қарайсан. Ваҳоланки, ўша кўчадаги одамлар сенга тамоман бегона. Нега энди бегоналар учун шунчалик эҳтимом? Уйда эса... Қачон охириги марта турмуш ўртоғинг учун атайин ясан-тусан қилган эдинг, эслай оласанми? Қачон айнан суюкли эрингга атаб бирор кийим тиктирганингни ёки бирор тансиқ таом тайёрлаганингни-чи? Ёки эринг ишдан ҳориб-чарчаб келганда, очиқ чехра билан кутиб олиб, югуриб бориб кўлидаги нарсаларни олишни, ёнбошлаши билан дарҳол бошига ёстик келтириб кўйишни, боши ва кўл оёқларини уқалаб кўйишни одат қилганмисан?... Ўйлаб қарасанг, ҳамма уринишларинг фақат бошқаларнинг кўнглини олиш учун қаратилган экан... Уйларинг фақат меҳмон келгандагина йиғиштирилиши, тансиқ таомлар ҳам фақат меҳмонлар учун, ширин муомалалар ҳам улар учун, янги, чиройли кийимлар эса фақат тўй-маросимлар учун кийилиши, пардоз-андоз ҳам фақат меҳмонга боргандагина қилиниши... Бечора эрингда нима айб? Наҳотки бу ҳамма яхши нарсаларни унга ҳам раво кўрмасанг, ахир сенинг чиройингдан, ширин сўзларингдан, меҳрибончиликларингдан баҳраманд бўлишга ҳаммадан кўпроқ у ҳақли эмасми?! Сен ўзингни унинг ўрнига кўйиб, бир тасаввур қилиб кўр. У ҳар куни ишга кетаётиб, кўчага чиқади. Кўчада, ишхонасида ҳар хил чиройли кийинган, пардоз қилган, латофат ва назокат билан гаплашаётган аёлларни кўради ва ўша аёллар ҳам уйларида сен каби ивирсиб, бепардоз ва эски кийимларда юришини тасаввур ҳам қилмайди, чунки у уларни фақат ораста ҳолида кўради-да! Ишдан уйга қайтар экан, уйда уни шинам ва саришта хоналар, ширин таом ва узоқ иш кунидан кейин чарчаб келганида ҳордиғини чиқариб дам олиши учун ҳамма нарсани муҳайё қиладиган, кўчада, ишхонасида кўрган аёлларидан ҳам юз чандон гўзал бир пари пайкар кутиб олишини орзу қилади... Лекин афсуски, кўпинча бунинг ўрнига бутунлай бошқа манзара: ивирсиган уй, кўзлари киртайиб, уникқан эски кийимда, пешонасини танғиб олиб, қошларини чимириб, шошилиб овқат қиладиган асабий аёл, телевизор ёки компьютер экранига термулганча биров келганини ҳам сезмаган болаларинг, уйнинг бурчагида биғиллаб йиғлаётган чақалоғинг ва унинг тўлиб кетган «памперс»и ва овқатнинг хиди аралашиб хонани тўлдирган ёқимсиз хид... Ўзини мана шундай манзара кутаётган эркак уйига шошилармиди?...

Тўғри, уй ишлари, ёш болалар билан, уй ичида доимий тартибни, орасталикни сақлаб туриш, бунинг устига, ўзингга ҳам қараб олиш, уйингни эринг учун жаннатмакон гўшага айлантириш учун озмунча меҳнат сарф бўлмайди, лекин бошқалар учун нима қилиб бўлса ҳам бунинг уддасидан чиқасан-ку... Нега энди сенинг ва фарзандларингнинг ҳеч нарсадан қийналмай, тинч, осуда, бахтли ҳаёт кечиришини таъминлаётган эркакни бундан маҳрум қиласан?

«Эрим мени қандай бўлсам, шундайлигимча яхши кўришга мажбур, унга шунча бола туғиб бериб кўйганимдан кейин...» дейсанми? Унда ҳам кўнгул, дид, фаросат деган нарса борлигини, ҳар бир инсонга хос бўлган гўзалликни севиш хислати унга ҳам бегона эмаслигини наҳот билмасанг?! У сени илк бор кўрган пайтда қандай бўлганинг, нега шунча қизлар ичидан айнан сени танлаганини бир эслаб кўр-чи...

«У пайтлар ёш, чиройли эдим», дейишинг мумкин. Ёшлик ва гўзалликдан бошқа яна нимангдир бор эди ўшанда... Ораста, саришта, ширин сўзли гўзал қиздан қандай қилиб доим пала-партиш бўлиб юрадиган бақироқ ва кўпол аёлга айланиб қолдинг? Қани сенинг «файзли бир хонадоннинг бекаси, бир мард йигит қалбининг маликаси, ширин-шакар болаларнинг бахтиёр онаси бўлиш» ҳақида қилган орзуларинг? Нега Аллоҳ сенга ўша орзу қилганларингни амалга ошириш имкониятини берганда, бунинг уддасидан чиқа олмай хайронсан? Балки, айб эрингдадир? Балки, у сенга бахтли бўлишинг учун етарлича шароит яратиб бера олмаётгандир? Шошма! Сен ўзинг бахтли бўлишга ошиқишдан аввал турмуш ўртоғингни, болаларингни, умуман, атрофингдаги ҳамма инсонларнинг бахти учун қайғурдингми?... Сенга берилган неъматлардан фойдаланиш билан бирга, уларнинг қадрига етиш ҳам кераклиги ҳақида бирор марта ўйлаб кўрдингми?...

Бахтсизлик дангасаликдадир. Ўша ўзинг ёшлигингда орзу қилган, эринг эса ҳар куни сендан кутаётган гўзал ҳаётни яратиш учун тинимсиз меҳнат, шижоат ва ғайрат кераклигини унутган кунингдан бошлаб уйингдан файзу барака, бахт, меҳр, муҳаббат секин-аста узоқлаша бошлаганини ўйлаб кўр. Нега эринг ишдан кейин уйга шошилмаётгани, келса ҳам кайфияти йўқ, сен билан гаплашгиси келмаётгани, уни уйдан, сендан бездираётган нарса нима экани ҳақида фикр қил...







«Эркак киши уйидан топа олмаган нарсани кўчадан қидиради» деган гап бор. Шукр қилки, Аллоҳ таоло сенга Ўзидан кўрқадиган солиҳ бир кишини насиб қилган ва эринг талаб қилаётган нарсалар шариат доирасидан чиқмаган, сенинг асл вазифанг бўлган нарсалар, холос. Баъзи шахватпараст, покиза хотинини кўчадаги бузук аёлларга алмашаётган эркаклар каби, сендан шариатга зид бўлган ишларни талаб қилмайди ва у ўз уйида излаётган нарса фақатгина покиза бир жуфти билан покиза ҳаётни кечиршиш ва охиратда Аллоҳнинг ҳузурига ёруғ юз билан бориш... Сен ҳам у билан жаннатда бирга бўлишни хоҳламайсанми?.. Эрингнинг хато ва камчиликларини санашдан олдин ўз аҳволингга бир назар сол. Эрингнинг ҳар томонлама мукамал бўлишини хоҳлайсан-у, лекин ўзинг ўшандоқ мукамал эрга лойиқмисан-йўқми, ўйлаб кўр.

Қачонки ўз-ўзингни ислоҳ қилишни бошласанг, оилангдagi муҳит ҳам яхши томонга ўзгара бораётганини кўрасан. Инсон ўзини ўзи тарбия қилиш жараёнида доимо ўртак бўладиган кишиларга, ибратланадиган ҳолатларга муҳтож бўлади. Шундай пайтда у атрофидаги одамларга, уларнинг ҳаётига ибрат назари билан боқадди ва ўзига керакли нарсаларни касб қилади. Агар сен ҳақиқий солиҳа аёлга айланишни истасанг, Қуръон ва суннатни маҳкам тутишинг ва Ислому тарихида ўтган солиҳа аёллар, оналаримиз, моларимизнинг ҳаётларидан ибрат олишинг кифоя қилади. Яна атрофингдagi яхши оила бекаси, яхши хотин, солиҳа аёл дея ҳурматга сазовор бўлган аёллардан ўртак ол. Оила ҳаёти бу истироҳат боғига, ёки концертга, ёки ресторанларга бориб, маишат қилиб юришдан иборат эмас, балки у келажакки роҳат бўлган, меҳр шафқатга, муҳаббатга йўғрилган тинимсиз меҳнатдир. Эркак оиланинг кўрғонидир, кўрғон ичидаги муҳитнинг яхши ёки ёмон бўлиши аёлга боғлиқдир. Агар сен оқила аёл бўлиб, эрингнинг розилигидан аввал энг биринчи ўринга Аллоҳнинг розилигини кўйган ҳолда, ялқовликни бир четга суриб қўйиб, оилангнинг бахти, саодати учун тинмай қайғурсанг, иншааллоҳ, бу кўрғон ичида бўстонлар яралур, оиланг, уйинг эса фароғат қасрига айланур... Бу сенинг қўлингдан келади, фақат озгина ғайрат ва ҳиммат кўрсатсанг бўлди, албатта бахтинг бардавом бўлади...

*Малоҳат Анвар тайёрлади*

## Интернет тўрига илинган муслималар...

Бугунги кундаги долзарб масалалардан бири интернет оламидаги ижтимоий тармоқларнинг одамлар ҳаётида эгаллаётган ўрни. Чунки ҳозирда мавжуд бўлган тармоқлардан фойдаланмайдиган одам қолмади, ҳисоб. Қанча куч, вақт ва ҳис-туйғулар мана шу бутунжаҳон ўргимчак тўрида сарф бўлаётганини, бу нарса Ислому оламини ҳам айланиб ўтмаганини ва унда мусулмон кишилар фойдали нарсалардан кўра кўпинча беҳуда гап-сўзларга, ҳаётларига, динларига ва охиратларига ҳеч қандай нафи тегмайдиган баҳс-мунозараларга аралашиб қолаётганларини, қимматли вақтларини ибодатларга сарфлаш ўрнига интернет саҳифаларида бой бераётганларини кўриб даҳшатга тушасан.

Айниқса бу тармоқларда муслима опа-сингилларимизнинг ҳам кўплиги ва улар ўзлари сезмаган ҳолда муслималар учун ножоиз бўлган, шариатга тўғри келмайдиган мулоқотлар ботқоғига ботиб бораётганларини кўриш жуда ҳам ачинарли.

«Шубҳали нарсаларни тарк этинг!» дейилган ҳадиси шарифда. Ҳозирги кунда бу насиҳатни ким эсга олиб, амал қилмоқда? Ижтимоий тармоқлардаги мулоқотлар яхши ёки ёмонлигини ким ўйламоқда? Бу тармоқларнинг мақсади эзгуликка хизмат қилишми ёки ёвузликка, буни билиш қийин. Бир-биридан кўпайган ва турли хил хизматларни тақдим қилаётган бундай ижтимоий тармоқлардаги мулоқотлар бугунги одамларнинг асосий мулоқот манбаига айланиб бормоқда. Ҳамма ўзини оқлаш ва ҳақиқатнинг юзига тик боқмаслик учун чиройли баҳоналар топиш билан овора. Ўз расмларини (баъзи ҳолларда бегоналар номидан кириб, ўзгаларнинг суратларидан фойдаланиш ҳоллари ҳам талайгина) тармоқ ичига жойлаштириш, биринчи қараганда оддий ва самимий бўлиб кўринган суҳбатлар... Яна бир қадам қўйилса, ҳаромга кетиш... Яна биргина хаёл... гуноҳга йўл очилиши...

Наҳотки, ҳамма ўз кучига, шайтон уларни йўлдан ура олмаслигига шунчалик ишонса!

«Шубҳали нарсалардан четланинглар!» Дарҳақиқат, бу гўзал насиҳатдир!





Қанча қимматли вақтларимизни интернетдаги бекорчи суҳбатларга, биз умрида кўрмаган «дўстларимиз»нинг ҳаётига аралашиб, бугун нима егани, қаёққа боргани, кимни ёқтириши каби бизга фойдаси бўлмаган нарсаларга, ўз кўзимиз билан кўрмаган ва бизнинг фикримиз ҳеч қандай таъсир ўтказмайдиган қаёқдаги воқеа-ҳодисаларга билдирилган муносабатларга сарфланаётгани ҳақида фикр юритсак, биз учун муҳим ва қад

Интернет олами қанчалик мафтункор ва жилвакор бўлмасин, ёлғонлардан, бузғунчиликлардан, шубҳали нарсалардан холи эмас! Унда фаолият юргизаётган ҳаммага ҳам, ҳамма гапга ҳам ишонавермаслик керак. Хўш, шундай экан, муслима аёл ёки қиз у ерда нима қилади? «Иш билан кирса керак», дейсизми? Ёки «Ўзлигини намоён қилиш учун», дейдиганлар ҳам бордир? «Ўзини нимагадир бағишлаш, банд қилиш учун» демоқчисиз, шундайми? Ёки интернет сизнингча, бошқалар билан мулоқот қилиш учун қулай фурсат, шундайми?

Ўзингизни ўзингиз алдашни бас қилинг! Муслмон учун энг яхши иш бу – намоз ўқиш ва Куръон тиловати, муслима аёл ўзлигини намоён қилиши, ўзини бағишлаши ва банд бўлиши лозим бўлган энг яхши жой бу – ўз оиласи ва уйи, энг яхши мулоқот эса яқинлари билан бўлган мулоқотдир!

Аёл киши компьютерга ёпишиб қолса, нималар бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг. Яқинлари ва оила аъзолари бундан қанчалик азият чекишини ўйлаб кўринг. Болалар қаровсиз, уйлар ивирсиган, эр ишдан келишига овқат қилинмаган, кирлар ювилмаган, дазмол қилинмаган, идиш-товоқлар қалашиб ётибди...

Азиз опа- сингиллар! Бошингизни монитордан бирпасга кўтаринг ва атрофга қаранг! Ҳаёт қаердадир, экран ортида эмас, шу ерда, ён атрофимизда, кўз ўнгимизда кечаётир!

дрли нарсаларни нималар эвазига бой бераётганимизни билар эдик... Агар интернет бўлмаганда, Аллоҳнинг йўлида қанчадан-қанча савобли ишларни қилган бўлар эдик, ота-онамизнинг, турмуш ўртоғимизнинг хизматини вақтида қилишга, кўпроқ фарзандларимизнинг ёнларида бўлишга улгурган ва ҳеч қачон уларнинг нигоҳларида, гап-сўзларида норозиликни кўрмаган бўлармидик... Интернетга ошно бўлган кунимиздан бошлаб, савобли ишларимиз озайдими ё кўпайдими, бир ҳисоблаб кўрайлик. Натижа бизни қувонтирмаслиги аниқ!

Ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон томони бўлганидек, бу ерда бир ёқлама хулоса қилиб, интернет ҳақида фақат салбий фикр юритмоқчи эмасмиз. Унинг кишилар ҳаётида тутган ўрни, фойдалари жуда кўп. Ҳамма гап ҳар бир нарсада меъёрни билишда, унинг фойда ва зарарлари ҳақида ўйлаб иш юритишда. Агар интернет сизга узоқдаги яқин кишингиз билан мулоқот қилишингиз учун ёки илм ҳосил қилишингиз учун фойдаси тегаётган бўлса, ундан фойдаланишда ҳеч қандай монелик йўқ. Лекин Сиз кун бўйи интернетда ўтириб олиб, зиммангиздаги ҳақларни, яъни бандалик ҳаққини, оналик, фарзандлик, хотинлик, қариндошчилик, қўшничилик ва ҳоказо ҳақларни адо қилмаётган бўлсангиз, бу яхшилиқ аломати эмас.







Демак, интернет сизнинг фойдангизга эмас, зарарингизга ишлаётган экан. Қиёмат куни бизлардан бир кунда неча бора интернетга кирганимиз эмас, қанча савоб амаллар қилганимиз сўралишини эсимиздан чиқармайлик.

Интернет орқали жуда кўп савоб ишларни амалга ошираётган, диний ва дунёвий илмларни эгаллаётган, маърифат тарқатаётган муслималаримиз ҳам бор. Балки, улар бу фаолиятларини Аллоҳнинг ҳаққига, оилалари, фарзандлари, яқинлари ҳақларига хиёнат қилмаган ҳолда олиб бораётгандирлар. Ҳамма ҳақларни адо қилганларидан сўнг қоладиган озгинагина, ўзларига аталган вақтларини ҳам, қўшни билан кимнидир ғийбат қилиб ўтиришдан кўра, интернетда бўлса ҳам хайрли ишларни амалга оширишга сарфлаётган бундай опа-сингилларимиздан, агар ниятлари холис бўлса, Аллоҳ рози бўлсин. Афсуски, бундайлар, яъни қўлига тушган ҳар қандай имкониятдан фақат Аллоҳ йўлида, динга хизмат сифатида фойдаланадиган аёлларимиз жуда кам...

Аксарият муслима аёлларимиз эса худди гиёҳванд моддаларга қарам бўлгани каби интернетга қарамлик иллатига аллақачон мубтало бўлганлар. Уларнинг ижтимоий тармоқлардаги суҳбатларини кузатсангиз, ҳам кулгингиз қистайди, ҳам жаҳлингиз чиқади. Масалан, кимдир таом тайёрлади. Дарҳол уни расмга олади-да, ўз саҳифасига қўяди. «Олинглар! Ош бўлсин!» деб ёзиб қўяди. Кейин унинг «друзья»лари буни кўради-да, ҳар бири изоҳ ёзишга тушади. «Раҳмат илинганизга», «Роса ширин бўпти», «Қўлингиз дард кўрмасин» ва ҳоказо... Биттагина расмнинг тагидан 200 тадан ортиқ изоҳ ўрин олади. Бу муслималаримизнинг энг оддий кўринишдаги мулоқотлари. Ғалатиноқлари ҳам учраб туради, муслималар ҳатто интернетда ўтириб олиб, бўйлари қанча, беллари неча сантиметр ёки вазнлари қанчалиги ҳақида суҳбатлашадилар. Ҳатто эр-хотин орасидаги муносабатларни ўртоқлашадиганлар ҳам бор. Уялиб кетасан, киши. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қанча оилалар шу тармоқлар сабабли бузилиб кетаётгани, неча-неча ёш қизлар тармоқ ичида фаҳш ишлар билан шуғулланаётгани, қанча-қанча опа-сингилларимиз ножоиз ҳаракатлари билан муслима деган номга доғ туширишаётгани ҳозир ҳеч кимга сир эмас.

Бундан ташқари, кўпгина тармоқларда қаёқдаги номаълум номлар билан кираётган шахслар саҳиҳ бўлмаган манбалардан кўчирилган ёки таржима қилинган диний маълумотларни тарқатаётганлари ва кўпинча содда, етарли диний таълим кўрмаган муслималаримизнинг ўшаларга эргашиб, фикрлари ва ҳатто ақийдалари ҳам бузилиб бораётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Бу ҳам олдини олишимиз керак бўлган хатарлардан биридир.

Бундан буён хушёр бўлайлик! Ҳар қайсимиз ҳар қандай ҳолатда ҳам муслима аёл эканимизни, она эканимизни, оилада ўзимизни қандай тутишимиз, жамиятдаги ўрнимиз фарзандларимиз тарбиясида қанчалик муҳим эканини, бизнинг вазифамиз виртуал оламда эмас, ҳақиқий ҳаётда зиммамизга юклатилган масъулиятни адо этиш эканини унутмайлик! Агар ўша ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш шариатга зид бўлмаган ҳолатда, диний маърифатимизни оширишда, ҳаётимиз учун зарур илмларни ўрганишимизда фойдали бўлса, интернетдан меъёрида фойдаланишни йўлга қўяйлик ва яқинларимиз, хусусан, фарзандларимизга ҳам ҳар қандай нарсадан оқилона фойдаланишни ўргатайлик.

Азиза муслима опа-сингилларим, қизларим! Агар гапларим кимгадир оғир ботган бўлса, узр. Ўзим ҳам сал бўлмаса, шу иллат гирдобига кириб кетай деган аёл сифатида, бошимдан ўтгани учун юрагимда оғриқ билан ёзаяпман. Бу оғриқ ҳаммамизнинг беҳуда ўтган вақтларимиз, қилинмай қолган яхши амалларимиз учун ачинишдан, интернет «тўри»га тушиб қолиб, ундан қутулолмай юрган муслималарнинг ҳолига афсусланишдан пайдо бўлган ва булар қалбимдан тўлиб-тошиб келаётган оғриқдир...

Аллоҳим! Билиб билмай қилган хатоларимизни Ўзинг кечир! Ҳаммамизга инсоф бер ва шубҳали нарсалардан четда бўлишимизни насиб эт! Омин!

*Малоҳат Анвар тайёрлади*





## БИБИХОНИМ МАДРАСАСИ ВА МАҚБАРАСИ

Сароймулкхоним (Бибихоним) Чигатой хонларига мансуб Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1341 йилда туғилган. 1370 йили Амир Темурнинг никоҳига ўтган. У хон авлодига мансублиги учун «Бибихоним» (Катта хоним) унвонига сазовор бўлган. Сароймулкхоним сиёсатдон ва инсонпарвар аёл эди.

Кўпгина тарихий китобларда, жумладан, Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий, Ҳофиз Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Фасих Ҳавофий, Ибн Арабшоҳ, Клавихо кабиларнинг асарларида Сароймулкхонимнинг фазилатлари, шахсий сифатлари кўп улуғланади. Чунончи, Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ўзининг «Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги» номли асарида оқила малика Бибихонимнинг Амир Темур салтанатидаги ўрни, курултойлар ва олий мажлисларда, амирлар билан қатнашиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақида ёзиб қолдиради. Унда 1404 йил 17 октябрда Сароймулкхоним элчиларга катта зиёфат бергани баён қилинади. Бу маълумотлар эса Амир Темур салтанатида, давлат ишларида Сароймулкхонимнинг фаол қатнашганини яна бир бор тасдиқлайди. У Амир Темурнинг рухсати билан Самарқандда улкан мадраса қурдиради. Отаси Қозонхондан мерос бўлган бир жуфт балдоғини сотувга қўйиб, пулини мадраса қурилишига ишлатган экан. Бу мадраса Самарқанддаги ҳозирги Жомеъ масжидининг кунчиқар томонида, яъни Бибихоним мақбараси ёнида барпо этилади. Бибихоним мадраса талабаларига ғамхўрлик қилиб борган, уларга моддий ёрдам бериб турган. Мадраса ниҳоятда маҳобатли бўлиб, Амир Темур қурдирган Жомеъ масжидига туташ ва монанд бўлган. Бироқ турли сабабларга кўра мадраса кейинроқ вайрон этилган. Бибихоним ҳаёти давомида фарзанд кўрмаган. Аммо у темурийзодаларга мураббийлик қилган. Хусусан, Мирзо Улуғбек Бибихоним тарбиясида вояга етган.

Бибихоним 1408 йилда вафот этади. Унинг жасади ўзи қурдирган мадраса ёнидаги мақбарага қўйилган.

Бибихоним мадрасаси ёнига соҳибқирон Амир Темур Ҳиндистон зафаридан кейин маҳобатли масжид қурдиради. Ҳозир ушбу масжид мавжуддир. Бу буюк кошона халқ орасида «Бибихоним» номи билан шухрат топган.

*Ирода тайёрлади*







## Соғлом турмуш тарзи

Сиз азизларга журнализмнинг ҳар бир сонидида саломатлик дарсларини бериб боришни маъқул кўрдик. Агар сиз давомли равишда бизни кузатиб борсангиз, умид қиламизки, соғлом турмуш тарзи ва овқатланиш ҳақида етарли маълумотларга эга бўласиз. Бугунги мақоламизда соғлиқни сақлаш учун умумий тавсияларни сизга ҳавола этамиз.:

1. Тонг отишига 1-2 соат қолганда уйқудан уйғониш ва кун ботишига 1-2 соат қолганда ухламаслик керак. Бу соатларда ухлаш уйқу, чарчоқ, эринчоқликни зиёда қилади. Чунки бу пайтда инсон организмдаги тизимлар мувозанатини таъминлаш учун керакли бўлган гармонлар ишлаб чиқарилади. Уйқуда эса бу жараён секинлашади. Бу ҳолат психологик, жисмоний, руҳий безовталиқни юзага чиқаради.

2. Овқатланиш одоби ва қоидаларига амал қилган ҳолда соғлом ва тўғри озиқланиш: тўйиб овқатланмаслик, аралаштириб овқат емаслик, тез емаслик, ейиш ва ичишда тартибга (кетма-кетликка) риоя қилиш, эскирган ва иситилган овқатларни емаслик, таомни ўнг қўл билан ейиш, оғиздаги луқмани кўп чайнаш, инсонга, айниқса болаларга зарар келтирувчи консерваланган, қўшимча моддалар: таъм берувчи, ширин қилувчи, маҳсулот таркибини сақловчи, ранг берувчи, намликни ушлаб турувчи, хушбўй ҳид ва таъм берувчи, оқартирувчи, шиширувчи, сиқиштирувчи, ёпишишни олдини олувчи ва ҳоказо қўшилган тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилмаслик.

3. Парфюмерия, баданни парваришлаш маҳсулотлари ва кир ювиш воситаларини, дори-дармонларни, сунъий хушбўй ҳидлар – ароматларни кенг кўламда, текширмасдан, кўр-кўрона ишлатиш кўплаб касалликларни келтириб чиқарувчи манбадир.

4. Кам ҳаракатли турмуш тарзини қўллаб яшаш, куннинг кўп вақтини машина рулида, компьютер олдида ўтказиш, кўп ухлаш каби салбий ҳолатлардан сақланиш.

5. Семизлик, арокхўрлик ва кашандаликдан сақланиш.

6. Ўз вақтида ухлаш ва дам олишга риоя қилиш.

7. Баданни покиза тутиш ва вақти-вақти билан тозалаш (жигарни, буйрак ва пешоб қопини, ўпкаларни, қон ва томирларни тозалаш, зулук кўйиш ва ҳоказо).

8. Нотўғри жинсий ҳаётдан сақланиш.

9. Қабзиятнинг олдини олиш.

10. Ва ниҳоят, зарарли туйғу ва тушунчалар, фикрлардан тез қутулиб, гўзал ахлоқларни касб қилиш, кулиб туриш, доимо яхши ният қилиш, оптимизм ва Аллоҳга таваккул қилиб яшаш инсон соғлиги учун ўта фойдалидир!

*Раъно Тожибой қизи тайёрлади.*

## СЎЗ

Энг севган сўзим – тўғри сўздир.

*Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам*

Сўз дорига ўхшайди, ози соғайтириб, кўпи ўлдиради.

*Ҳазрати Али*

Кўпи фойдасиздир, яхшиси оздир,

Асл сўз – ўйланиб айтилган сўздир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

На муштдан, на камчидан из қолур,

Инсон ўлур, орқасидан сўз қолур.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Узун сўзни мақсадини тушунтира олмаганлар гапирди.

*Мавлоно Румий*

Сўз айтиш инсоннинг ақлдан фойдаланиш санъатидир.

*Афлотун*

Сўзда туришнинг энг яхши чораси сўз бермасликдир.

*Наполеон*

Бир метрли иш қилишни, бир километрли ваъда бергандан устун деб биламан.

*Жамр Ҳовел*

Дунёдаги ҳеч қандай фойда берган сўзингизда туришга ёки ўзингизга бўлган хурматни йўқотмасликка арзимайди.

*Морис Аурелис*

*Ирода тайёрлади*



## Тошкент ва Фарғона либослари

Тошкент қадимдан йирик марказ ҳисобланиб, Ўрта Осиёнинг чегарадош давлатлар билан, айниқса Россия билан савдо-сотик алоқаларида кўприк вазифасини бажарган. Ундан ташқари, Тошкент Туркистон ўлкасининг маркази бўлиб, ўлканинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

Фарғона водийси ҳар доим давлатнинг дуру жавҳари, хом ашё етказиб берувчи асосий ҳудудлардан бири ҳисобланган. Тошкент ва Фарғона турмуш тарзи, кийиниш маданиятида бир-биридан деярли фарқ қилмаган.

Фарғона водийси ва Тошкентнинг миллий кийимларида қўшни давлатларнинг маданий таъсирини кузатиш мумкин. Уларнинг асосий шакллари ва алоҳида элементлари асрлар давомида шаклланиб келган. Ўзбек миллий либосларининг антиқа намуналари халқнинг ижтимоий табақасидан келиб чиққан ҳолда ёритиб берилган. Бу либослар халқнинг бой табақаси ва ҳунармандларга тегишли. Ўтроқ зиёлилар кийимлари жадидлар, муллалар, масжидда хизмат қилувчилар – имом, сўфи, дарвешлар ва ҳоказоларга хос кийимлардан иборат.

Тантана ва байрамлар, маросимларда кийил адиган либослар тўй кўйлаклари, ўғил болалар учун суннат тўйида кийиладиган кийимлар, жаноza маросимлари либосларини ўз ичига олган.

Либослар умумий тарзда учга – тантана, кундалик ва иш кийимларига бўлинган.

Миллий кийимлар ёшга қараб, болалар кийими, ёш келин-куёвлар либослари, ўрта ёшли эркак ва аёллар либослари ва қариялар учун либосларга бўлинган. Комплект (жамланган) ҳолдаги либослар ички ва устки либос, бош кийимлар, оёқ кийимлар, тақинчоқлардан иборат бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, Тошкент ва Фарғона миллий либослари бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, улар бошқа вилоятларнинг миллий кийимларидан асосан рангларининг босиқлиги билан фарқланади. Фарғона водийси ва Тошкентда асосан қора ва яшил ранглари алоҳида ўрин эгаллаган, аёллар эса кўпроқ абрли матоларга қизиққанлар.

Бундан ташқари, Фарғона вилояти ва Тошкент Ўзбекистон Республикасининг бой ҳудудларидан ҳисобланади. Буюк Ипак йўлида эса бу икки вилоят боғловчи нуқталар ҳисобланган ва бу нарса либослардаги урфни белгилаб берган, дейиш мумкин. XIX-XX асрлар ўзбек миллий либосларини ўрганиш бугунги кунда жуда кўпчиликда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки вақт ва замон ўзгариши билан либослар ҳам ўзгариб бормоқда. Сўнгги йиллар ичида барча соҳаларда бўлганидек, миллий кийимлар оламида ҳам янгидан-янги кўринишлар юзага келди.

Лекин айтиш лозимки, айрим либос ва бош кийимлардаги миллийликни акс эттирувчи деталлар бугунги кунда ҳам замонавий миллий либосларнинг янги-янги кўринишларини ишлаб чиқишда ва уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишда катта роль ўйнамоқда.

Айниқса мўъжизакор кашталар, ранг-баранг нақшлар, ўзига хос бўлган тилла ва кумуш ипаклар, мунчоқлар ва ҳоказолар тобора урфга айланиб бормоқда.

*Интернет тармоғидан олинган маълумотлар асосида тайёрланди.*







## Кўз ва қовоқлар

Кўз атрофидаги тери жуда юпқа, майин ва қуруқ бўлади. Шунинг учун ҳам кўз атрофидаги тери кундалик нозик парваришни ҳамда намлантириб туришни талаб этади. Агар сиз қовоқ териларига етарлича эътибор қилмасангиз, унда кўз атрофидаги ажинлар жуда эрта пайдо бўлиши турган гап. Лекин бу ҳали жиддий муаммо эмас. Шишган қовоқлар, қизарган кўзлар, уларнинг остидаги қора доғлар бизни ажинлардан ҳам кўпроқ ташвишга солади. Хўш, бу кўнгилсизликлардан халос бўлишнинг иложи борми?

Косметологлар қовоқ терисини 25 ёшдан кейин парвариш қилиб боришни, агар терингиз қуруқ бўлса, 20 ёшдан бошлаб парвариш қилишни маслаҳат беришади. Парвариш иккита асосий босқичдан иборат бўлади: демакияж, яъни кўзни макияждан тозалаш ва намлантириш. Қовоқ терисини тозалаш уларнинг қон билан таъминланишини яхшилади ва ажинларнинг муддатидан олдин пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Кўзни макияждан тозалаш учун пардоз сути (косметическое молочко) ёки қуюқ ва ёғли таркибга эга бўлган пардоз қаймоғидан фойдаланган маъкул.

Қуруқ тери учун «алое вера», календула ва маврак(шалфей)ли пардоз сути тавсия этилади. Таъсирчан кўзлар учун бўтакўз (василёк) экстракти қўшилган восита жуда мос келади. У шишлар, қизариш ва аллергия кичишдан халос этади. Шунингдек, ундан хорғин кўзлар учун компресс сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Бир марталик тозаловчи салфеткалар демакияж учун пардоз сутининг ажойиб муқобили ҳисобланади. Косметологлар уларни ҳатто жуда таъсирчан терида ҳам ёки линза таққанда ҳам тавсия этишади. Салфеткалар гипоаллерген бўлиб, биопротеинлар ва Е витамини билан намлантирилган. Шундай экан, ундан фойдаланганда сиз нафақат терингизни тозалайсиз, балки бир пайтнинг ўзида уни намлантирасиз ҳам.

Кўз атрофини тозалаш ва парваришда ҳам юз териси парваришида ишлатиладиган тоник ёки кремдан фойдаланиш кўпгина аёлларнинг энг катта хатоси ҳисобланади. Кечқурун бундай воситалардан фойланган аёл эрталаб кўзлари шишган ва қизарган ҳолда уйғонади.

Юз териси учун фойдаланиладиган воситалар қовоқ терисига мутлақо тўғри келмайди. Қовоқ териси учун алоҳида пардоз воситаларини ҳарид қилиш лозим.

Нозик терини тозалашда геллардан, шунингдек, совуннинг ҳар қандай туридан фойдаланиш тавсия этилмайди. Бунда нафақат шиш ва аллергияни, балки ажинларни ҳам орттириб олиш мумкин.

Бундан ташқари, кўзни макияждан тозалаш учун яхши воситани танлабгина қолмасдан, ундан тўғри фойдалана билиш ҳам жуда муҳим. Қовоқларга сурилган тенлар ва подводкани кўзнинг ички бурчагидан ташқи бурчаги томон ҳаракат қилган ҳолда тозалаймиз. Киприклар юқоридан пастга қараб тозаланади. Ҳар бир кўз учун алоҳида янги момиқли спонж ишлатамиз. Унга тозаловчи воситани жуда кўп қўйиш шарт эмас, акс ҳолда у кўзга тушиши ва уни ачитиши мумкин.

## Кечки парвариш

Кўз макияждан тозаланганидан кейин қовоқларга энгил нуқтали уришлар ёрдамида крем сураамиз. Ҳаракатлар кўзнинг ташқи бурчагидан бурун томонга қаратилган бўлиши керак. Крем терига уқалаб сингдирилмайди, аксинча, у ўзи сингиб кетгунга қадар кутилади. Қовоқ парвариши учун энгил эмулсияларни ва ёғлар асосидаги гелсимон кремларни танлаган маъкул. Улар терини намлантиради ва тонусини оширади, кўз атрофида жойлашган лимфа томирларининг фаолиятини яхшилади.

Агар кўз атрофида ажинларингиз бўлса, унда сизга коллаген асосидаги крем керак бўлади. Ёши улғайган тери учун крем-гелларни эмас, балки кексайишга қарши, масалан, ревитолли ёки камфора мойи қўшилган эмулсиялар ва зардобларни танлаган яхшироқ.



## Шишган ва қизарган Кийимларни сақлаш қовоқлар

Кўзингиздаги бўёқларни тўғри тозалаб, қовоқларингизни турли кремлар ёрдамида озиқлан-тирсангиз ҳам, агар тўйиб ухласангиз ёки ноқулай каравотда, ёстикда ухласангиз, барибир кўзларингиз толиққан ва шишган ҳолда уйғонасиз.

Кичик томирчалар ёрилиши натижасида қизарган кўзлар – тўйиб ухласликнинг яна бир оқибатидир. Кўзлардаги қизаришни бартараф этиш учун кўзларингизни юмган ҳолда уларнинг устига бодринг парракчаларини, ёки қора чойга, ёки мойчечак, ялпиз, маврак (шалфей), жўка гули каби гиёҳлардан бири ёрдамида тайёрланган дамламага (бир стакан қайнаб турган сувга бир ош қошиқ гиёҳ) ботириб, намлантириб олинган микни қўйинг.

Гап шундаки, шишган қовоқлар ва кўз атрофидаги ажинлар уйқу пайтида бошни ногўғри қўйиш оқибатида ҳам пайдо бўлади. Ҳаддан ташқари баланд ёстик қовоқ терисида жойлашган қон томир оқимини бузади ва кўзларнинг салқилишига олиб келади. Ёстикқа юзни қўйиб ётиш кўзлар атрофида чуқур ажинлар пайдо бўлишига олиб келади, шунинг учун қорин билан ётиш тавсия этилмайди. Шунингдек, гречка пўчоғи билан тўлдирилган ёстик ҳам ажойиб нарса ҳисобланади, лекин пўчоқ шикирлагани боис, кўпчилик бундай ёстик ухлашга халакит беришидан шикоят қилишади.

Бундан ташқари, яхши шамоллатилган, электромагнит нурланиш манбаи, яъни телевизор, компьютер йўқ хонада суткасига камида 8 соат ухлаш лозим. Каравот шимол-жануб йўналишида туриши лозим. Тезроқ уйқуга кетиш учун уйқу олдидан бўшаштирувчи иссиқ ванна қабул қилинг ва бир стакан асалли сут ичинг.

*Гўзал тайёрлади*

Кийимларни жомадон, сандиқ, берк шкафларда узоқ вақт сақлаб бўлмайди. Айниқса уларни зах биноларда ва нам ҳолатда сақлаш зарарлидир. Шкафга нам ҳолдаги кийимларни устма-уст илиш мумкин эмас. Кийимларни, айниқса мўйнали кийим-бошларни ўз вақтида қуритмаслик уларнинг ишдан чиқишига сабаб бўлади.

Барча буюмларни йилда бир марта куёшли кунда соя жойда 2-3 соат ёйиб, шамоллатиб қуритиш лозим. Куёш нури тўғри тушиб турганда кийимларнинг ранги айнийди, мўйна буюмлар ва қоракўл пўстинларнинг чарм тўқимаси тез қуриб, қотиб қолади. Очиқ ҳавода ёйиб олинганда кийимнинг бузилишига сабаб бўлувчи микроорганизмлар ва уларнинг тухумлари тезда ўлади.

Сунъий замш ва сунъий теридан тайёрланган буюмларни офтобга ёйиш тавсия этилмайди. Чунки бундай шароитда улар бузилади. Кийимлар қуригандан сўнг улардаги чанглар кетказилади. Кийим ва бош кийимларнинг чанги одатда тукли чўтка билан тозаланади. Мўйна буюмларнинг чанги қўл кафти билан қоқиб тозаланади.

Кийим сақланадиган ғилоф матодан ва қоғоздан тайёрлангани маъқул. Кийим сақлаш учун полиэтилен, пропилен поливинил-хлориддан тайёрланган халтачалар яроқли ҳисобланмайди, чунки уларда вақт ўтиши билан намлик тўпланади, бу эса моғор замбуруғининг ривожланишига олиб келади. Сунъий замш ва сунъий теридан тикилган кийимларни фақат осилган ҳолатда сақлаш керак.

Юбкалардаги «плиссе», «гофре» безагини яхши сақлаш учун уларни капрон пайпоққа солиб, осиб қўйиш лозим.

*Ирода тайёрлади*







## Антиқа баҳорий қуймоқлар



Бундай қуймоқларни турли масаллиқлар ишлашиб, йилнинг истаган фаслида тайёрлашингиз мумкин. Лекин баҳорги масаллиқлар унга энг ажойиб ва бой таъми беради. Қуймоқларга бу каби антиқа кўриниш бериш учун оддий қуймоқларга нисбатан кўпроқ вақт сарфланади. Лекин бундай таом дастурхонингизнинг кўркига кўрк қўшиб, меҳмонларингиз ва оила аъзоларингизни хурсанд қилиши аниқ.

### Керакли масаллиқлар:

*Қуймоқлар учун:*

- 650 мл сут;
- 2 та тухум;
- 1 чой қошиқ шакар;
- 1 чой қошиқ ичимлик содаси ва оддий сирка;
- таъбга кўра туз;
- 2.5-3 стакан ун;
- ярим чўмичдан сал ошиқроқ ёғ.

*Қиймаси учун:*

- 2 боғ исмалоқ (шпинат);
- 300 гр қийма;
- 1 та катта пиёз;
- туз;
- зира;
- 1 бўлак саримсоқ пиёз;
- кашнич уруғи;
- 1 чой қошиқда 5 фоизли оддий сирка;
- Қовуриш учун ёғ;
- Салат барглари.

*Тайёрланиши:*

1. Аввал қиймани тайёрлаб оламиз. Товага ёғ солиб, тўғралган пиёзни тилла рангга киргунча қовурамиз.

2. Сўнг қиймани солиб, пастроқ оловда пишгунча қовурамиз. Устига туз ва зира сепамиз. Қийма етилгач, йирик тўғралган исмалоқни соламиз ва бўшашгунча енгил қовуриб оламиз.

3. Қиймани оловдан олиб, майдаланган кашнич уруғи ва сирка солиб, аралаштирамиз.

4. Тайёр қийма совиб қолмаслиги учун устини ёпиб, четга олиб қўямиз.

5. Энди эса қуймоқларимизни пишириб оламиз. Каттароқ идишда сут ва тухумларни яхшилаб аралаштирамиз.

6. Сўнгра туз, шакар ва ун соламиз.

7. Ичимлик содаси ва сирка аралашмасини соламиз ва яхшилаб аралаштирамиз.

8. Устидан ёғ қуйиб, бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштиришни давом эттирамиз.

9. Қуймоқ хамирини учи оддий насадкали қандолат қопчасига ёки учи ингичка қилиб тешилган целлофан халтачагага соламиз.

10. Товани қиздирамиз ва бироз ёғлаб, қуймоқ хамирини катак-катак қилиб товага қуйиб чиқамиз. (Эслатма: товага ёғни фақат бошидаги 1-2 та қуймоқни пишириш учун солинади, кейингиларида ёғ солмаймиз, чунки ҳамирнинг таркибида ёғ бор).

11. Қуймоқларни пишириб бўлгандан сўнг орқа тарафини ағдариб, устига йирик салат баргини қўямиз ва унинг устига қиймаимизни солиб, трубочка шаклида ўраб чиқамиз.

Антиқа баҳорий қуймоқ тайёр. Ёқимли иштаҳа!

*Пазанда.уз сайтидан олинди*

